

ИМОНИМИЗНИ АСРАЙЛИК

Яқинда Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги вакиллар, диний таълим муассасалари мудирлари, Тошкент шаҳар жомеъ масжидлари имом-хатиблари ҳамда Дин ишлари бўйича қўмида ходимлари иштирокида қўшма йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ислом динининг асл моҳиятини фуқароларга тўғри тушунтириш, уни зарарли, нотўғри талқинлардан сақлаш, ҳукуратимиз томонидан фуқароларимизга яратилаётган эркинликлар ва амалдаги қонунларга оғишмай амал қилиш масалалари муҳокама этилди.

Асосий маъруза билан сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Зухриддин Хусниддинов йиғилганларнинг эътиборини икки муҳим масалага – бир томондан, тинчлик ва эзгулик дини бўлмиш маърифий Исломни сиёсийлашган «жангари Ислом»дан ҳимоя қилиш зарурлигига, иккинчи томондан, кўпмиллатли, кўпдинли жамиятимизда эътиқод эркинлиги кафолатланган шароитда айрим ғайридин жамоаларнинг миссионерлик руҳида фаолият юритишлари юртимиздаги миллатлараро ҳамжиҳатликка ва диний бағрикенгликка салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига қаратди.

Нотиқ Ўзбекистонда миссионерлик ҳаракатлари қонун томонидан тақиқланганига қарамай, асли мусулмон бўлган туб аҳоли орасида ўзга динларга, хусусан буддавийлик ва христиан динларга (уларнинг ҳам баъзи мазҳабларига) тарғиб-ташвиқ этиш тобора кучаяётганини таассуф

билан билдирди. Бу ҳол Ислом дини ривожини йўлида улкан хизматлар қилиб кетган Имом Бухорий, Имом Термизий каби буюк зотларнинг бугунги авлодларига номуносиб эканини таъкидлади ва бундай нохуш ишлар мусулмон дунёси олдида ўзбек халқининг обрўсизланишига олиб келишини тушунтирди.

Миссионерларнинг хатти-ҳаракатларини тушунса бўлади, чунки улар ўз олдиларига қўйган вазифаларини тиришиб адо этишяпти, аммо баъзи ватандошларимизнинг улар кетидан эргашиб кетаётганини нима билан тушунтирса бўлади?

Маърузада шу ҳолнинг баъзи сабаблари санаб ўтилди:

Биринчи сабаб – ўзимизнинг динимиз йўл-йўриқларидан мутлақо беҳабарлик. Ислом дини моҳияти оммага яхши етказилмаяпти, даъват ишлари сушт. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаш зарур: даъват бошқа, миссионерлик бошқа. Бир дин вакилининг ўз қавмига хитоби даъват бўлиб, ҳар бир инсон бу ишни эмин-эркин қилиши мумкин. Бир дин вакилининг бошқа диндагиларни ўз динига оғдириш учун қиладиган ҳаракати эса миссионерлик дейилади ва Ўзбекистон қонунлари мана шу ишни тақиқлайди.

Иккинчи сабаб – маърузаларимизнинг таъсирчанлиги оз. Баъзи имомларимизнинг жума мавъизаларига қулоқ солиб ту-

риб, ўйланиб қоласиз: ўзлари гапирётган гапга ўзлари ҳам ишонмаётгандек, ҳиссиз, зерикарли, илмий жиҳатдан саёз сўзлашади. Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг фатво бўлими ҳар жумага махсус маъруза тезисини тарқатади, шуни ҳам эплаб етказишолмайди. Ҳолбуки, миссионерларнинг даъватлари кучли, далил-исботларга бой, одамларнинг ҳаракатларини ҳисобга олган ҳолда ниҳоятда ҳис-ҳаяжонли бўляпти.



Яна бир сабаби – ён-атрофимиздаги баъзи кам таъминланган оилалардан, ногиронлардан, боқувчисидан айрилган қариялардан кўнгилдагидек тез-тез хабар ололмаёямиз, моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатолмаямиз. Миссионерлар бу йўл билан баъзи муҳтожларнинг кўнглини овлашяпти.

Ва ҳоказо.

Бундай ҳолатларнинг олдини олишда, аввало, имом-хатибларимиз зиммасига катта масъулиятлар тушади, деди нотиқ. Улар маърузаларининг таъсирчанлигини ошириш устида кўп ишлашлари керак. Маҳаллаларнинг оқсоқоллари билан ҳамкорликда аҳоли орасида тез-тез очиқ мулоқотлар ўтказиб туришлари, хайр-эҳсонуну закот ва садақаларни ҳақдорларга ўз вақтида етказишлари зарур.

(Давоми 6-бетда)

МУНДАРИЖА

<i>Бугуннинг гапи</i> Имонимизни асрайлик	1
<i>Саҳобалар ҳаёти</i> Абдусаттор аш-ШАЙХ Абдуллоҳ ибн Масъуд	4
<i>Фахрия</i> Абдул АЗИМ ЗИЁУДДИН Бухорийнинг ватандошимисиз?	9
<i>Амри маъруф</i> Зухра ҲАМДАМОВА Фафлат тўри	10
Йўлдош МУҲАММАДИЕВ Нафс ва шайтон душмандир	10
Умар ҳожи СИДДИҚОВ Мени ўйлангирди	11
<i>Фиқҳ</i> Кусурларимизни ўнглайлик	11
<i>Сўранг, жавоб берамиз</i>	13
<i>Илм масканларида</i> Маъдани дин бўлсин	16
<i>Амри маъруф</i> Салоҳиддин НУРИДДИНОВ Сабрли бўлайлик	19
<i>Шеърият</i> Мавлуда МУҲАММАД СИДДИҚА Сабр	21
Муршида ИСМОИЛОВА Бинафша	21
<i>Оила одоби</i> Эр-хотинлик асослари	22
<i>Рангин туйғулар</i> РАЙҲОНА Эҳтирослар шамоли	27
<i>Наҳйи мункар</i> Гавҳар БОБОЖОН қизи Фолбиннинг бошлиғи шайтон	29
<i>Тиббиёт бурчаги</i> Н. ВҮКЕР Селдир шарбати.....	30
<i>Дам олиш саҳифаси</i> Бошқотирма	32



Журналимиз саҳифаларида оят ва ҳадислар берилаётгани учун уни ножоиз жойларга ташламаслигини сўраймиз

Муносабат
Акмал АВАЗ

6

МИССИОНЕРЛИК НАЙРАНГЛАРИ

Миссионерлик (лотинча «юбориш», «топширик») бирор динни бошқа диндагилар ўртасида тарқатиш соҳасида черков ташкилотларининг фаолиятидир. Миссионерлар Осиёни забт этишда махфий қатнашганлар ва ҳозирда бу найранглар ўзгача усулда давом этмоқда.

Хабарлар

8

ИСЛОМ ВА ОЛАМ

Экранда жума мавъизалари



Халқаро Ислом Ахборот Агентлигининг хабар беришича, Дания телевиденияси мамлакат аҳолисини Ислом динининг асосий қонунқоидалари билан таништириш мақсадида Копенгагендаги масжиддан жума мавъизаси ва хутбаларини тўғридан-тўғри эфирга узатмоқда.

Дарсхона
Муҳаммад СИДДИҚ

12

НАМОЗНИНГ ФАРЗЛАРИ
ВА ВОЖИБЛАРИ

Куйидагилар намознинг фарзларидир:

1. Таҳрима. 2. Қиём. 3. Қироат. 4. Рукуъ. 5. Сажда. 6. Охирги қаъда.

Маърифат
Исмбил ҲАКИМ,
Даврон АБДУЛЛОХ



14

Зарралар инсон деб аталадиган саройнинг гиштаридир. Маълумки, бир саройнинг қурилиш ашёлари ўз-ўзидан пойдевор, девор ва устун бўлолмаганидек, зарралар ва зарралардан майдонга келган молекулалар ҳам ўз-ўзича инсон саройини қура олмайди. Бу ишни зарралардан барча нарсани ясаган ва яратган Нозими Мутлақ Аллоҳ қилади.

Зарралар ва зарралардан майдонга келган молекулалар ҳам ўз-ўзича инсон саройини қура олмайди. Бу ишни зарралардан барча нарсани ясаган ва яратган Нозими Мутлақ Аллоҳ қилади.

Бўлган воқеа

18

СЎЗАМОЛ СОҚОВ

Марвон Мусҳафи Шарифни олиб келди, варақламасдан тўғри келган саҳифани очди ва бармоғини ушбу оятга қўйди:

«Эй ота, ҳақиқатан, мен сизга Раҳмон томонидан азоб етиб, (дўзахда) шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингиздан қўрқурман» (Марям, 45, мазмуни).

Шеърят
ЧОРШАЪМ

20

Бу гўшани унутма асло

Истасанг, бир энлик хат ёзиб қолдир.
Истасанг, ёзмагил, ўзинг биласан.
Фақат бу гўшани унутма асло,
Соғиниб қолганда қайтиб келасан.

Насиҳат

28

Дунё талаби

Ризқнинг секин келиши сизларни Аллоҳга осийлик билан ризқ талаб қилмоққа мажбур этмасин. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсага фақат итоат билан эришилади.



«HIDOYAT»

Ойлик диний-ижтимоий,
илмий-адабий нашр

Муассис

Ўзбекистон мусулмонлари идораси

Бош муҳаррир

Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

Таҳрир ҳайъати

Абдурашид қори БАҲРОМ

Фозил қори СОБИР

Абдулазиз МАНСУР

Абдураззоқ ЮНУС

Анвар ТУРСУН

Муҳаммад Шариф ЖУМАН

Юсуфжон ИСҲОҚ

Эркин МАЛИК

Сирожиддин АҲМАД

Абдуқаюм ҲИКМАТ

Нуриимон АБУЛҲАСАН

Абдулжалил ХУЖАМ

(Бош муҳаррир ўринбосари)

Исомиддин ОЛИМ ШАЙХ

Муқовани

Абдулбоқи ИМОМХОН ўғли тайёрлади.

Бадий муҳаррир

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли

Тартибловчи

Қудратуллоҳ ЖУМА ўғли

Компютерчи

Нилуфар СОБИРЖОН қизи

Мусаҳҳиҳа

Райҳона ХОЛБЕК қизи

Тарғибот-ташвиқот марказлари:
Фарғона вилояти — 8. 3732. 24-25-28
Директори Салоҳиддин Нуриддин
Андижон вилояти — 8. 3742. 24-34-04
Директори Ўқтам ҳожи Умурзоқ
Қашқадарё вилояти — 8. 37522. 4-64-06
Директори Бозоров Рустам

Манзилимиз: 700069, Тошкент шаҳри.
Зарқайнар 18-бекрқўча, 47а-уй. Тел: 40-17-97.
Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот
қўмитасида рўйхатга олинган.
Гувоҳнома рақами 00079.

Босишга 2002 й. 28 майда руҳсат берилди. Бос-
махонага 2002 йил 30 майда топширилди. Қоғоз
бичими 84x108^{1/16}. Адади 7810 нусха. 115-сон бу-
юртма. «KONI NUR» МЧЖда босилди. Манзил:
Тошкент, Муқимий к., 178-уй.
Интернет почтаимиз: hidoyat@ars-inform.uz

Баҳоси келишилган нарҳда.
Макет асл нусхаси Pentium-III
компютерида саҳифаланди.

Кулёзмалар қайтарилмайди, тақриз қилинмайди.
Мақолалар хат орқали юборилганда исми шарифлар
тўлиқ ёзилиши, манзил тўғри кўрсатилиши шарт.

Абдусаттор аш-ШАЙХ

АБДУЛЛОҲ ИБН МАСЪУД

Қорилар ва фақиҳларнинг улуғи
(вафоти ҳижрий 31-32 йил)

Умарнинг Исломга кириши ва Байтуллоҳдаги намоз

Аллоҳ ундан рози бўлсин, Умар ибн Хаттобнинг Исломни қабул қилиши — Ислом учун ғалаба, мусулмонлар учун қувват ва Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Маккада тавҳид байроғини кўтарганларидан кейин аста жон таслим қилаётган

ширкнинг юрагига санчилган найза бўлди. Шу муносабат билан ибн Масъуд: "Умар мусулмон бўлганидан кейин биз кучайдик", деган эди. Бунинг маъноси Расулulloҳнинг ибн Умар ривоят қилган ушбу сўзларида мужассамдир: «Эй Аллоҳ, ўзинга суюкли бўлган икки кишидан бири — Абу Жаҳл ё Умар билан Исломга қувват бер». Ҳазрати Умар Аллоҳга суюкли экан.

Ушанда мусулмонларнинг қуввати ошди. Умар розийаллоҳу анҳу Маккада ошкора намоз ўқий бошлади, саҳобалар ҳам у билан бирга ибодат қилар, ораларида ибн Масъуд ҳам бор эди. Бу улуғ иш ҳақида ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу, шундай дейди: "Умарнинг Исломга кириши мусулмонларга қувват, Умарнинг Мадинага келиши мусулмонларга ғалаба, Умарнинг амир бўлиши мусулмонларга раҳмат эди. Аллоҳга қасамки, то Умар Исломга киргунча биз Байтуллоҳ атрофида ошкора намоз ўқишга ботинолмадик".

Жинлар билан ўтган кеча

Янги даъват иши фақат инсонлар орасидагина чегараланиб қолмади. Балки жинлардан ҳам бир гуруҳи Маккага келиб, Расулulloҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Куръон тингладилар.

Кейин ҳам бир неча мартаба келишди. Бир гал Абдуллоҳ ибн Масъуд бу жонли манзаранинг гувоҳи бўлган эди.

«Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Маккадалик пайтларида саҳобаларга:

— Кимки жинлар ишидан воқиф бўлишни

хоҳласа, бугун кечаси ҳозир бўлсин, — дедилар.

Мен кечаси ҳозир бўлдим. Расулulloҳ билан бирга юриб, Макканинг тепароқ жойига етдик. Расулulloҳ ўша жойга оёқлари билан чизиқ тортдилар ва менга шу чегарадан чиқмай ўтиришимни буюрдилар. Кейин Пайғамбар, алайҳиссалом, мендан озгина узоқлашдилар ва тик турган ҳолда Куръондан Фотиҳа сурасини ўқидилар. Шу пайт Расулulloҳ билан менинг орамизни қора шарпалар тўсиб қўйди. Ҳатто Расулulloҳнинг овозларини эшитмай қолдим. Кейин улар сузиб кетаётган булутлар каби кўздан узоқлаша бошлади, фақат улардан бир гуруҳигина қолди. Эрталаб тонгда Расулulloҳ бу ишлардан фориғ бўлдилар ва ҳожат учун кетдилар. Сўнгра олдимга келиб:

— Кечаги гуруҳ нима қилди? — дея сўрадилар.

— Улар ўшалар эди, эй Расулulloҳ, — дедим.

Аллоҳ уларга суяк ва тезакни озиқ қилди. Кейин суяк ёки тезак билан истинжо қилишдан ҳар биримизни қайтарди».

Фаришталар тушган кеча

Амр Баколий Абдуллоҳ ибн Масъуддан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қилади:

«Набий, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, хуфтон намозини адо қилиб бўлгач, Абдуллоҳ ибн Масъуднинг қўлидан ушлаб, у билан Макка кенгликлари томон юрди. Бир оздан сўнг Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ибн Масъудга ўтиришни буюрдилар ва атрофига чизиқ тортиб, дедилар:

— Мана шу чегарадан чиқма, ҳали бу белги сенинг ёнингга келадиган кимсалар учун ҳам чегара бўлади. Уларга гапирма, улар ҳам сенга гапирмайдилар.

Сўнг Расулulloҳ ўзлари хоҳлаган тарафга кетдилар. Мен чизиқнинг ичида эдим, бир оздан кейин олдимга сочлари, жуссалари ва ўзлари ҳам ҳиндийларга ўхшаган кишилар келди. Уларнинг на бир очиқ аврати, на бир устида кийими бор эди. Улар менга томон яқинроқ келиши-ю, лекин чизиқдан ўтишмади. Кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кетган тарафга йўл олишди. Кечанинг охирида Пайғамбар, алайҳиссалом, келдилар. Мен ўтирган эдим.

— Дарҳақиқат, бу ишлар кеча менга аён этилди, — деб Расулulloҳ ёнимга келиб ўтир-

дилар. Сонимга бошларини кўйиб, уйқуга кетдилар. Кўкракларини тўлдириб нафас олардилар. Худди шу пайт эғнида оппоқ кийимли кишилар келди. Улар шу даражада гўзал эдики, таърифига тил ожиз. Оқ кийимли кишиларнинг бир қисми Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бошлари ёнида, яна бир қисми оёқлари ёнида ўтирди. Сўнгра ўзаро суҳбатлашишди:

— Бирон бандага бу Пайғамбарга ато этилганидек неъматни кўрмадим. Шубҳа йўқки, унинг иккита кўзи уйқуда, қалби эса уйғоқдир.

Улар масал келтирдилар: — Битта хожа қаср бунёд этди. Кейин дастурхон ёзиб, одамларни зиёфатга чорлади. Хожанинг чақиригига жавоб берган киши унинг таомидан еди. Чақиригига жавоб бермаган киши эса, жазоланди ва азобга гирифтор этилди.

Сўнгра улар кўтарилишди (кўздан ғойиб бўлишди). Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, уйғондилар ва мендан сўрадилар:

— Эшитдингми, улар нима деди? Биласанми, улар ким?

— Аллоҳ ва унинг расули билгувчироқдир, — дедим.

Шунда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, айтдилар:

— Улар фаришталардир. Улар келтирган масалнинг мазмунини уқдингми?

— Аллоҳ ва расули билгувчироқдир, — дедим.

— Бу масалнинг маъноси шуки, Аллоҳ таоло жаннатни бунёд этди. Унга ўз бандаларини чорлади. Кимки чақиригига жавоб берса, жаннатга киргизди, жавоб бермаган кишини эса жазоланди ва азобига гирифтор этди”.

Учинчи бўлим

ИБН МАСЪУД ГУВОҲ БЎЛГАН ВОҚЕАЛАР

Мадинадаги манзили ва биродарлиги

Ибн Саъд дейди: «Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, Мадинага келгач, одамларни ҳовлиларга тақсимладилар. Абд ибн Зухра жамоаси аҳли: «Ибн Умми Абдни биздан нарироқда жойлаштиринг», деди. Шунда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Нега, ахир Аллоҳ мени шунинг учун элчи қилиб жўнатганми?! Албатта, Аллоҳ ўзидан заифроқнинг ҳақини бермайдиган қавми ҳурматли қилмайди», дедилар.

Ибн Саъд яна айтади: «Дарҳақиқат, Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, ҳовлиларни чегараладилар. Зухро жамоаси учун масжиднинг орқа томонини белгиладилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд ва унинг ўғли Утба учун ёнидан жой ажратдилар».

Сўнгра Пайғамбар, алайҳиссалом, муҳожир ва

ансорларни Аллоҳ ва унинг дини ҳимояси йўлида биродар тутинишга ундадилар. Абдуллоҳ ибн Масъуд билан биродар бўлиш кимнинг насибаси бўлди? Бу ҳақда ибн Саъд бизга айтади: «Абдуллоҳ ибн Масъуд билан Муоз ибн Жабал Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, тавсиялари билан ўзаро биродар тутиндилар. Шундай қилиб қорийул-аллома ибн Масъуд ва ҳалолҳаром бобида одамларнинг энг билгувчиси (Расулulloҳ: «Муоз ибн Жабал ҳалол ва ҳаромни энг билгувчи кишилардандир», деганлар) Муоз ибн Жабал дин йўлида бирлашдилар. Уларнинг бу иттифоқи нур устига нур бўлди. Улар бу аҳдга риоя қилдилар, бу самимий иттифоқни сақладилар. Вабо дардига чалинган Муоз вафоти арафасида шогирдларига васият қилди: «Илмни Абдуллоҳ ибн Масъуддан олинглар». Шунингдек, ибн Масъуд ҳам жуда кўп ўринларда Муоз ибн Жабални яхшилик билан эслайди.

Муҳожирларнинг қалбларини бир-бирига яқин қилиш мақсадида Пайғамбар, алайҳиссалом, бошқа исломий биродарликка ҳам сабаб бўлдилар. Аллоҳ муҳожирларнинг қалбларини ўз пайғамбари орқали дўстона боғлади. Бунда Абдуллоҳ ибн Масъуднинг биродарлик улуши — Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шогирдлари Зубайр бўлди. Ибн Асир дейди: «Маккада муҳожирлар бир-бири билан ўзаро биродар тутинган пайтда уни, яъни, Зубайрни, Пайғамбар алайҳиссалом Абдуллоҳ ибн Масъуд билан биродар қилдилар.

Ибн Масъуднинг ғайрати

Эндигина балоғат ёшига етган бола — Абдуллоҳ Аллоҳга имон келтирди. Аллоҳнинг Ўзи уни сақлади ва ҳимоятга олди. Абдуллоҳ маъсумликнинг хуш бўйларини таратиб, энди ўсиб бораётган ўспирин эди. Ҳа, унда баъзан умидсиз, ўткинчи, сохта истаклар ҳам бўлди. Лекин улар Абдуллоҳнинг табиатидаги хушбўй ифорларни одамлар қалбига етишидан тўса олмади. Аллоҳнинг иродаси ўзи тақдир қилганини юзага чиқарди. Албатта, бунинг қиммати баланд. Аллоҳ ва унинг расулига тобе бу гуруҳнинг йўли қурбонлар билан тўшалган, сабр билан тўлиқ, нарсдан тож кийган.

Ҳурматга сазовор бу гуруҳ ҳаракатда тарбия топди. Улар эътиқод йўлида бирор нарсани ортиқча деб билмасликка қасам ичдилар. Ҳар қандай оғиру енгил ҳолатда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, олдиларида шай турдилар, молларию жонларини сарфладилар.

Рашид ЗОҲИД

таржимаси

(Давами келгуси сонда)

МИССИОНЕРЛИК НАЙРАНГЛАРИ

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида барча фуқаролар учун виждон эркинлиги кафолатланган. Бунга кўра, ҳар бир инсон динга муносабатини ўзи белгилаши зарур. Бунда бошқаларнинг тазйиқ кўрсатиши, мажбурлаши ёки қизиқтириши ман қилинади. Айниқса, бир диндаги шахсни бошқа динга ўтказиш ҳаракатлари қатъийан тақиқланади. Бу йўриқ «Виждон эркинлиги» ҳақидаги қонунда акс этган. Агар бир инсоннинг ўз динини ташлаб бошқа динга ўтиши аҳолининг аксари шу динда бўлган ўлкаларда диний адоват келтириб чиқаришини ҳисобга олсак, бунинг жиноят экани аён бўлади.

Зухридин Ҳусниддинов ва Ортиқбек Юсупов ёзган «Ўзбекистон Республикасида диний муносабатлар» китобида бу хусусда шундай таъкидланади:

«Ҳозирги вақтда халқимизнинг сўнги 70 йил давомида диндан мажбурий тарзда йироқлаштирилганлигидан фойдаланиб, республика адлия идораларида рўйхатдан ўтиб олган миссионер диний ташкилотларнинг фаолияти кучайиб бормоқда. Миссионерларнинг асосий мақсади турли йўллар ва усуллар билан ўз сафларини маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига кенгайтиришдан иборатдир.

Қонуннинг 5-моддасида бир диний конфессиядаги диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм), шунингдек, бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолияти ман этилади.

«Миссионерлик нима? Миссионерлик — бу бошқа диний эътиқодга эга бўлган аҳолини ўз динига оғдириб олишлик бўйича диний ташкилотлар вакиллари томонидан амалга оширилаётган фаолият».

Бу иш қонун томонидан жазоланиши керак бўлади. Ўзбекистон Республикаси жиноят ко-

дексининг 216¹, 216² - моддаларида булар назарда тутилган.

Муслмон мамлакатларида маҳаллий аҳолини ўзга динларга, хусусан христиан динига (унинг ҳам баъзи мазҳабларига) миссионерлик йўли билан тарғиб этиш дунёда анчадан бери кузатиб келинаётган ҳолдир. Бундай ҳаракат айниқса собиқ Совет давлати ҳудудида кенг тарқалди. Шундан келиб чиқиб, миссионерлик, унинг тарихи, ўз олдига қўйган вазифалари ҳақида билиб олиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, юртбошимиз Ислом Қаримов айтганидек: «Ислом ота-боболаримиз динидир. Уни ташқи таъсирлардан, ёт унсурлардан тозалаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир»¹.

Миссионерлик (лотинча «юбориш», «топшириқ» маъносига) бирор динни ўз юртидаги ёки ўзга юртлардаги бошқа диндагилар ўртасида тарқатиш соҳасидаги черков ташкилотларининг фаолиятидир. Миссионерлик давлатлараро урушлар пайтида мустамлакачи империяларни барпо этиш ва мустаҳкамлашда мафкуравий ҳужум қуролларидан бири сифатида ишлатилган. Миссионерлар махфий равишда Осиё халқларини забт этишда қатнашганлар ва ҳозирда бу найранглар ўзгача усулда давом этмоқда. II Ватикан соборида (1962–65) миссионерлик масалалари муҳокама қилиниб, у ҳақида қонун тасдиқланган.

Илк христианлаштириш ташкилотлари қуйидагилардир:

1. Лондон миссионерлик жамияти (1795).
2. Англикан черкови миссионерлик жамияти (1797).
3. Нидерланд миссионерлик жамияти (1792).
4. Париж Инжилни тарқатиш миссионерлик жамияти (1823).
5. Базел Инжилни тарқатиш миссионерлик жамияти (1815).

(Бошланиши биринчи бетда)

Диний таълим тизимини замон талабига мос равишда ислоҳ этиш, масжидларга малакали имом-хатиблар тайёрлаш лозим.

Шунингдек, Ўзбекистон муслмонлари идорасининг нашр-лари «Ислом нури» газетаси ҳамда «Ҳидоят» журнали имкониятларидан ҳам кенг фойдаланиш керак. Доим бир хил муаллифлар

иштирок этавермай, бошқа имомлар ҳам тез-тез мақола ва суҳбатлар тақдим этиб туришлари мақсадга мувофиқдир.

Давлат маслаҳатчиси Зухридин Ҳусниддиновнинг маърузаси эътибор билан тингланади. Сўнгида баъзи савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Маъруза бўйича муҳокамада Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раи-

сининг биринчи ўринбосари Шоазим Миноваров, Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси ўринбосари Абдураззоқ Юнусов, Таълим бўлими мудир Жалолиддин Нуриддиновлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон муслмонлари идораси раиси Абдурашид қори Баҳромов йиғилишга яқун ясади. Қуръони каримдан тиловатлар ва диёримиз тинчлиги ва хотиржамлиги учун хайрли дуолар қилинди.

6. Берлин миссионерлик жамияти (1824).

Миссионерликнинг ошкора, қутурган кўри-ниши тарихдаги Биринчи ва Иккинчи салиб урушлари мисолида янада яққол кўринади.

Ҳозирда миссионерлик «табшир» (башорат бериш), «тансир» (насронийлаштириш) каби номлар билан аталади. Аммо улар асл фаолиятларини ниқоблаш учун турфа чиройли номлардан фойдаланадилар. Хусусан, ўзларига ва сафларига қўшилганларга ҳар хил илоҳий сифатлар бериб («худонинг ўгли», «муқаддас руҳ билан сўзлашувчилар» каби), ўзгалардан ажралиб туришларини таъкидлаб, шу тариқа уларни сафларида тутиб турадилар. Бу йўлда улар атайлаб Ислом аҳкомларини бузиб кўрсатиш, Куръон оятларини бир-бирига тескари қўйиш, пайгамбаримиз ҳадисларини нотўғри талқин қилиш каби жирканч усуллардан фойдаланадилар. Инсонларнинг Ислом илмларидан беҳабарликларидан жуда унумли фойдаланадилар.



Хусусан, Ислом аҳлига турли тамғалар босиш, уларни ҳар хил номлар билан аташ (хусусан «фундаменталист» номи билан... Ваҳоланки, фундаментализм папа ва руҳонийлар тўқиб чиқарган турли қарорлардан воз кечиш, христианликнинг асл асоси Инжилга қайтишга даъват сифатида христианлик дини доирасида пайдо бўлган. 1919 йили Филадельфияда Жаҳон христиан фундаменталистлари уюшмасига асос солинган) уларнинг синовидан ўтган усулларидандир².

Уларнинг мақсадлари асосан уч нуқтада жамланади:

1. Халқларни христианлаштириш. Шу орқали уларни иқтисодий, сиёсий, маънавий жиҳатдан Ғарб давлатлари таъсир доирасига олиш.

2. Халқларда ўз динига шубҳа уйғотиш, уларни ўз динидан чиқариш ва динсиз қолдириш.

3. Азалдан христиан бўлганларни ўз динларида мустаҳкамроқ туришга чорлаш ва улар сафини «янги христианлар» билан тўлдириш.

Улар мақсадлари йўлида ҳеч қандай воситани аямайдилар, усул-найранглари доимо такомиллашиб боради. Мана улардан бир нечтаси:

1. Инсоний ёрдамлар кўрсатиш. Бунга, албатта, моддий ёрдамлар (тиббийёт, озиқ-овқат) ва сўзсиз, «руҳий» ёрдамлар киради.

2. Жамият ахлоқини бузиш (барлар, дискотекалар, тунги клублар ташкил этиш ва уларда оммавий ароқбозликлару қиморбозликлар уюштириш).

3. Маҳаллий халқ тилида ўша халқнинг урф-одатларини ҳисобга олган ҳолда, сифатли, рангли, расмли христиан даъват китобчаларини бепул тарқатиш. Кўпинча бу китоблар Куръон оятлари билан «безалади».

4. Христианликни тарғиб қилувчи газета-журналлар чиқариш.

5. Христианликка қизиқтирувчи аудио-видео кассеталар тарқатиш.

6. Радио-телевидение орқали жонли кўрсатувлар тайёрлаш. Бу кўрсатувлар орқали аҳолини мулоқотга чорлаш, адреслар алмашиш.

7. Спорт мусобақалари, кўрғазмалар уюштириш ва қатнашувчиларга буклетлар ва ҳадялар улашиш.

8. Турли мавзуларда тадбирлар ва анжуманлар уюштириш.

9. Мусулмон ўлкаларга турли (мас: ҳамшира, тарбиячи) номлар остида миссионер кадрлар жўнатиш.

10. Якка шахсларга даъват хатлар жўнатиш.

11. Ёшлар жамиятлари билан ҳамкорлик қилиш.

12. Инглиз тили, компютер ўргатиш ниқоби остида миссионерлик кутубханаларини, клубларини ташкил этиш.

13. Ўз сафларига қўшилганларни моддий рағбатлантириш, уларни чет элларга жўнатиш, уларни иш билан таъминлаш.

14. Ўз юртларига келган саёҳатчиларни ҳам назардан четда қолдирмаслик.

Кўриб турганингиздек, уларда гоё ҳар қандай воситани оқлайди.

Ушбу найранглари таъсири остида мусулмон кишида уч ҳолат кузатилади:

1. Мусулмон киши ўзга динни қабул қилади.

2. Баъзи ҳолларда ўзга динни ҳам ҳақ йўлда деб ўйлай бошлайди.

3. Баъзи ҳолларда эса ўз динига бўлган садоқати йўқола бошлайди.

Бизга нима учун бу мавзу керак?

Авваламбор, халқимизни огоҳликка, сергакликка чақириш, зеро «Ватан», «Миллат», «Дин» тушунчалари муқаддас тушунчалардир. Уларга эътиборсизлик қилишга ҳеч бир кишининг ҳаққи йўқ.

Иккинчидан, ҳар бир инсон бирор нарса ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлмоғи зарур. Бирор нарсани нотўғри талқин этишга, бўяб кўрсатишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Учинчидан, мусулмонларга нима зарур ва нима нозарур эканини яна бир бор эслатиб қўйиш ҳам жуда муҳимдир.

Изоҳлар:

1. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида...», 35-бет.

2. Бу ҳақда кенгроқ маълумот учун қаранг: Ҳамидулла Кароматов. «Ўзбекистон мотуридийа таълимотининг ватани». «Ҳидоят», 1999 й. 2-сон, 15-бет.

ИСЛОМ ВА ОЛАМ



«Моҳинур» мадрасасида

Нижегород шаҳридаги «Моҳинур» мадрасасининг филиали «Мадина» мактабида «Ислом. Диний таълим. Қуръон

маъноларини ўрганиш» номли янги ихтисослик таълим режасига киритилди. Ушбу илм масканини битирган ёшлар масжид имомига кундалик ҳаётда зарурий барча илмларни эгаллашади. Бу мадрасада ўқиш муддати икки йилга қисқарган бўлса ҳам, Қуръони карим, фикҳ, Русия ва мусулмон жамоалари тарихи каби фанларни ўрганиш учун ажратилган соатлар миқдори анча кўпайди.

«Моҳинур» мадрасасининг директори Д. Муҳидиновнинг айтишича, бу ихтисослик диний соҳада мутахассислар тайёрлашнинг туркияча андозасини эслатади. Талабалар «Моҳинур»ни битиргач қайси муассасаларда ишлашлари мумкинлигини ҳозирча билишмайди. «Барибир яхши бўлди, — дейишмоқда улар, — чунки мадрасада барча хоҳловчилар таълим олишлари мумкин...»

Нозимбек Илёсовнинг айтганлари

Русиянинг Аштархон (Астрахан) вилояти мусулмонлари минтақавий диний бошқармаси раиси Нозимбек Илёсов хизмат сафари билан Ироқ мамлакатада бўлди. У Русия мусулмон диний арбобларининг вакили сифатида анъанавий халқаро Ислом анжуманида иштирок этди.

— Бу менинг Ироққа биринчи марта келишим эмас, — дейди Аштархон вилояти муфтийи. — Бу йил биз анжуманда бутун дунё мусулмонлари олдида турган муаммоларни — Фаластиндаги аҳвол, Исроилнинг ёвуз хатти-ҳаракатларини, АҚШ сиёсати каби энг долзарб масалаларларни муҳокама этдик.

Бош комиссар дейдики...

«Франс-Пресс» хабарига кўра, фаластинлик қочоқларга кўмаклашиш бўйича БМТнинг Яқин Шарқ агентлиги бош комиссари Питер Хансен бу ташкилот Женинда фаластин халқига қарши амалга оширилган террор ва зўравонликларни аниқлаш бўйича БМТ миссияси билан фаол ҳамкорлик қилишини билдирди. Жумладан, у Исроил аскарлари Фаластин қочоқлари лагерида амалга оширган оммавий қиргинлар, бузғунчиликлар ҳақидаги материаллар БМТ миссиясига берилишини айтди.

Питер Хансен матбуот анжуманида Исроил томони БМТнинг фаластинлик қочоқларга кўмаклашиш агентлиги биноларига етказилган зарарларни тўлаши зарурлигини эслатди. Фаластин шаҳарларига ялпи ҳужум бошланган 29 мартдан буён агентлик Исроил ҳукуматига рекламатсия ва тегишли рўйхатларни доимий равишда маълум қилиб келаётир.

Ҳарбий блокада ва назорат-текширув пунктлари туфайли ҳозир қочоқлар лагерида қурилиш-тиклаш ишларини бажариш мумкин эмас. Халқаро ташкилотлардан келган инсонпарварлик ёрдами юklarини жойларга етказиш оғирлашди. Питер Хансеннинг айтишича, кейинги тўрт ҳафта мобайнида Фаластин мухториятига 70 милён доллар қийматида ана шундай ёрдам кўрсатилган. Аммо фаластинликлар бундан ҳам кенгроқ миқёсда ёрдам кўрсатилишига муҳтож.

Экранда жума мавъизалари

Халқаро Ислом Ахборот Агентлигининг хабар беришича, Дания телевиденияси мамлакат аҳолисини Ислом динининг асосий қонун-қоидалари билан таништириш мақсадида Копенгагендаги масжиддан жума мавъизаси ва хутбаларини тўғридан-тўғри эфирга узатишни бошлади.

Ойнаи жаҳонда илк марта даниялик Абдул Воҳид Бедарессен хутба ўқиди.

Ҳозирги кунда Данияда бир юз етмиш минг мусулмон истиқомат қилади ва улар мамлакат аҳолисининг уч фоизини ташкил этади. Шундай бўлса-да, бир қатор муҳолиф кучларнинг масжидлар қурилишига қаршилик кўрсатаётганликлари сабабли даниялик мусулмонлар турли хил жойларда — ишхоналар, офислар ва хонадонларда намоз ўқишга мажбур бўлмоқдалар.

Кўзи ожизлар учун

Тез орада Arabnews розилиги билан муқаддас Қуръон карим кўзи ожизлар учун Брайл усулида нашр қилинади. Саудия Арабистони таълим вазири Муҳаммад ар-Рашид шу ҳақида хабар қилди. Ушбу лойиҳа учун уч милён риёл маблағ ажратилди.

Қуръоннинг бу нашри махсус ўқитилган котибият назорати остида махсус дастгоҳлар ёрдамида амалга оширилади ва кўзи ожиз мусулмонларга бепул тарқатилади.

Оврупа Ислом

ташкилотлари иттифоқи

Оврупа Ислом ташкилотлари иттифоқи раиси доктор Аҳмад Ар-Ровий маълум қилишича, бу иттифоққа бирлашган ташкилотлар сони етти мингта бўлиб, улар Ислом жамиятлари, марказлари ва масжидлардан иборатдир. Ҳозир уларнинг хизматидан 16 милён мусулмон фойдаланаётир.

Доктор Ар-Ровийнинг айтишича, мазкур ташкилотларнинг энг кўзга кўринганлари Франсадаги Исломи жамиятлар бирлиги, Турк умумислом ҳаракати «Миллий кўриш» жамоаси, Турк тасаввуф тариқати Сулаймонийа ва «Британ Ислом» муассасаларидир.

Шунингдек, Халқаро Таблиг жамоси ҳам кўпгина Оврупа мамлакатларида фаолият олиб боради.

Ушбу муассаса ва жамиятларнинг иши турли ихтилофлардан йироқ бўлиш ва Ислом қонунларига риоя этиш билан бирга Оврупа қонунчилигини ҳурматлаш асосига қурилгандир.

Африқо мусулмонлари қўмитаси

Африқо мусулмонлари қўмитаси Африқода Ислом динига ва мусулмонларга хизмат қилишга астойдил бел боғлаган. Қўмита томонидан 1539 масжид қурилди, қитъанинг турли бурчакларида 2910 та кудуқ қазилди, 9116 нафар етим ва 850 даъватчи кафолатга олинди.

Шунингдек, 5,5 милён Мусхаф, 6,5 милён ҳар хил китоблар тарқатилди ва турли тарғибот тадбирлари, шаръий давралар ташкил қилинди. 840 Қуръон мадрасаси, 140 мадраса, 108 Ислом марказлари ва 129 шифохона барпо қилинди.

«Исломи фазо» телеканали

Мисрдан эфирга чиқадиган Қуръони карим дастури раисаси доктор Ҳожар Саъдиддиннинг таъкидлашича янги, «Исломи фазо» телеканали яқинда иш бошлайди. Ҳозир ғоядан ижро сари қадам кўйилмоқда. Исломи хабарлар агентлигининг Қоҳирадаги мухбири айтишича, бу канал ўз фаолиятини бир неча тилда олиб боради. У Халқаро Даъват канали бўлиб, сийрат, ҳадиси Набавий, пайғамбарлар ва хулафои рошидинлар тарихи каби Ислом меросини кенг тарғиб қилади. Кўрсатувларда Ислом таълимотининг жаҳон тараққиётига кўшган улкан ҳиссаси ҳақида ҳикоя қилинади. Дастур ижодкорлари самовий динлар, хусусан, Исломнинг афкор омма наздидаги кўринишини тасҳиҳ этишга интилади.


Интернет материаллари асосида тайёрланди.

БУХОРИЙНИНГ ВАТАНДОШИМИСИЗ?

Имом Термизий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам:

«Байтуллоҳни тавоф қилишлик намоздир. Лекин Аллоҳ таоло тавоф пайтида гапиришни ҳалол қилган. Бас, ким (тавоф вақтида) гапирса, фақат яхшиликни гапирсин!»

бирларига шундай хайрхоҳ бўлишса. Сиз айтган бу масалани фикҳ китобларидан ўқиган эдим. Тавоф пайти чап елкани Каъбага қилмасдан, гавдани бутунлай бошқа томонга бурилсагина, ибодатга зарари етар экан, яна Аллоҳ билувчироқ, — деб ҳозиржавоблик қилдим. — Қаердансиз, — деб



Минглаб ҳожилар ичида Каъбатуллоҳнинг жозибаси, салобати беихтиёр фикримни, назаримни ўзига тортди. Юзимни чапга буриб, Каъбаи муаззамага қараган ҳолда, Аллоҳнинг қудратини, Ислом тарихини тафаккур қилиб, тилимга келган зикрларни айтиб, тавоф қилаётган эдим, тўсатдан бир гавдали киши менга қараб нималардир деди. Мен унга:

— Илтимос, араб тилида гапирсангиз, — дедим.

— Тавоф қилаётганингда юзингни тўғрига қаратгин, чапга — Каъбага бурмагин, бўлмаса, тавофинг бузилади, — деди.

Табассум ила у кишига боқиб:

— Биродар, Аллоҳ сиздан рози бўлсин, қанийди ҳамма мусулмонлар бир-

сўради у таажжуб ила.

— Ўзбекистонданман...

— Ўзбекистон қаер экан? — деб ҳайрон бўлган эди,

— Имом Бухорийнинг ватаниданман, — деб айтдим.

Қўлини кўксига қўйиб:

— Имом Бухорийга ватандошмисиз! Ахир, биз покстонликлар бу буюк олимнинг китобларини ўқиб катта бўлганмиз-ку! Биродар, сиз тўғри гапирдингиз, мен хато қилдим, — дея ҳайратланди.

Шу пайт Ҳажарул-асвад рўбарўсига етиб қолган эканмиз, тиқилинчда ҳалиги одамни йўқотиб қўйдим...

Абдул Азим
ЗИЁУДДИН ЎҒЛИ,
Чирчиқ шахри

Булбулга «Сайра!» дедилар. Булбул сайрамади. Яна такрор буюрдилар, у яна сайрамади. Сўнгра: «Ҳозир сени олтин қафасга соламиз-да, ёнингга бир қаргани ҳам кўямиз!» дедилар. Шунда булбул кўрққанидан сайраб юборган экан...

ҒАФЛАТ ТҮРИ

Булбул – руҳ, қафас – вужуд, қарға – нафсдир. Инсон бугун нафсга эргашиб, шу даражада ғофил бўлиб қолдики, асосан вужудни озиклантириш билан машғулмиз. Руҳ эса унутилгандек, оч, чарчаган ва безовтадир. Ҳаловат йўқ...

Баъзилар ғофилликдан Яратувчисини таниш у ёқда турсин, очикдан-очик «У йўқ» деб айта бошлади. Баъзилар эса, тоат-ибодат қилади-да, «Ростдан ҳам бормикан?» дея шубҳага кетиб, амалларини йўққа чиқаради.

Биз аввалу охир одамзот алмийсоқда Парвардигоримизга ваъда берганмиз, аммо у ваъдамизни унутиб кўйдик.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасининг 72-оятнда шундай хабар беради (мазмун): **«Албатта, Биз бу омонатни (яъни, шариати исломийидаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан**

бош тортдилар ва ундан кўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат, у (ўзига) зулм қилувчи ва нодон эди».

«Инсон бу масъулиятни имон ва солиҳ амаллар учун зиммасига олган», дейилади



Усмон Нурийнинг «Маснавий боғчасидан» номли китобида. Лекин бу масъулиятнинг залворини тушуниб ета олмаганидан, яъни, ғофиллигидан зулмкор ва нодон, дея таъриф қилинади.

Ёсин сурасининг 72-оятни мазмуни бундай: **«Инсон, Биз уни нутфадан (бир томчи сувдан) яратганимизни, энди эса баногоҳ улар (Ўзимизга) очик қаршилиқ қилувчи бўлиб қолганини кўрмадимми?»**

Бундай оятлар қиёматгача содир бўлажак воқеалардан хабар беради. Уларнинг мўъжизалиги ҳам шунда. Модомики Куръони карим ҳақ экан, унинг Эгаси ҳам ҳақдир.

«Ҳаёт икки кундуз, бир кечадан иборатдир», иборасининг ҳақиқати ҳам, балки бу дунё бир кун, қабр ҳаёти бир кеча, охираат эса кейинги абадий кундир», деган маънода айтилгандир.

Зухра ҲАМДАМОВА,
ЎЗМУ журналистика
факултети талабаси

НАФС ВА ШАЙТОН ДУШМАНДИР

Инсоннинг энг хатарли, энг хавfli душмани нафси ва шайтондир. Нафсига ва шайтонга бўйсунган кишилар муқаррар гуноҳ қилади. Нафс инсонни разолат йўлларига етаклайди. Нафсининг қулига айланган инсон олижаноблик сифатлардан тамоман йироқлашади.

Нафснинг хоҳишини билган кишилар унга бўйсунмайдилар ва фаҳш, разолат ва гуноҳ ишлардан йироқ бўладилар.

Нафсига қарши тура олмай-диганлар эса, унга қул бўлиб бўйсунди. Аш-Шамс сурасининг 9–10-оятлари мазмуни шундай дейди: **«Ҳеч шубҳа йўқки, ким нафсини покласа, ютуққа эришади. Ва ҳақиқатда (шубҳасиз) ким нафсини нуқсонли қилган бўлса, ноумид бўлади».**

Шайтон Аллоҳ таолонинг амрига бўйсунмай лаънатига учраган кундан бошлаб инсониятга душман бўлишга ва уни ҳақ йўлдан адаштиришга аҳд қилди.

Шайтон ўзининг аҳдига мувофиқ инсонларни тўғри йўлдан адаштиришни ва Аллоҳнинг ғазабига дучор этишни кўзлайди. Инсоннинг ҳар қандай эзгу нияти ва амалига тўсиқ бўлади.

Имом Ғазолий шундай ёздилар: «Кишилардаги ғазаб, шаҳват, ноўрин шошилишлик, ҳасад, кибр, мусулмонларга нисбатан бадғумон назарда бўлиш ва шунга ўхшаш ёмон сифатлар шайтоннинг таъсиридандир».

Нафс ва шайтон нечоғлик ғаддор бўлмасин, ҳушёр мўминни адаштиролмайди.

Агар мўминнинг қалбини ғафлат босса, Аллоҳ таолони ёддан чиқарса, уни шайтон ва нафс истило қилади, ёмонлик, бузуқлик, разиллик, кибр, ри-

МЕНИ ЎЙЛАНТИРДИ

Яқинда бир зиёфат берилди. Дастурхонда турли-туман таомлар. Қарийб тўқсон фоиз одам ароқ ичди. Ҳар хил мақтов сўзлари бўлди. Охирида имом-хатиб тиловат қилди. Мени шу пайт, шу ўринда тиловат қилингани ўйлантирди. Ароқ ичилган жойда тиловат жоизми?


Яна бир ҳолатни айтсам. Биз ўн уч киши ош дамлаб ер эдик. Улардан тўрт-беш нафари, ошпаз ҳам ароқ ичади. Бир олим киши агар ошпаз фосиқ бўлиб, овқат пишираётганида эҳтиётсизлик билан ҳалол-ҳаром нарсаларни аралаштириб юборадиган бўлса, қўлидан таом ейиш шубҳалилигини айтди. Шундан сўнг мен бу даврадан чиқдим. Ўзим кейинги ўн йил ичида намоз ўқиётиман. Ҳажга ҳам бориб келдим. Макка, Мадина дўконларида ароқнинг уруғи ҳам йўқлиги мени қувонтирди.

Умар ҳожи СИДДИҚОВ,
Тўймена шаҳри

ёкорлик каби ёмон ишларни қилишга ундайди. Мўмин ўзига қайтмаса, шайтоннинг васвасасига учади, унинг иродасига бўйсунади ва гуноҳ ишга қўл уради. Оқибатда эса, хор-зор бўлади, икки дунёда ҳам бахт-саодатга эриша олмайди. Ҳушёр мўмин доимо Аллоҳ зикрида бўлади, Аллоҳ берган неъматларга шуқр қилади, ҳаром нарсалардан ўзини сақлайди. Шайтон уни тўғри йўлдан адаштира олмайди. Ва у икки дунёнинг бахт-саодатига эришади.

Ҳаммамизни Аллоҳ таоло нафе ва шайтон балосидан сақласин.

Йўлдош МУҲАММАДИЕВ,
Жомбой тумани,



ҚУСУРЛАРИМИЗНИ ЎНГЛАЙЛИК

? Масжидларимизда намозни ўқиб, дуо қилиб бўлинган заҳоти бемалол ҳолаҳвол сўрашишлар ва бошқа мавзуларда гаплашишлар одат тусига кириб қолди...

! Бу иш нотўғри. Шаръан макруҳдир. Зеро, масжид хонақоҳи Аллоҳни улуғлаш учун бунёд қилинади. Шунинг учун намозхонлар хонақоҳ ичида эмас, ташқарисида саломлашишлари ва дунёвий масалаларини ҳал этишлари керак.

(«Ҳалаби кабир»)

? Кўпинча жамоат намозига улгуриш учун масжид томон чопиб бораётган, рукуга илиниб қолиш учун ҳатто хонақоҳ ичида ҳам югурган намозхонларни кўрамиз...

! Бу ишлари тўғри эмас. Чунки Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бизларни намозга шошилиб боришдан қайтарганлар. Аксинча, намозга виқор ва вазминлик билан (салобатли ҳолатда) боришни буюрганлар. Бинобарин, намозга югуриб-чопиб бориш макруҳдир.

(«Ҳазонатул-фиқҳ»).

? Баъзиларимиз таомни чап қўл билан еймиз (ичамиз). Чап қўлда нарса узатиб, чап қўлда оламиз...

! Бу ҳол суннатга хилофдир. Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бизларга ўнг қўл билан таом ейишни, нарсани ўнг қўл билан олиб, ўнг қўл билан узатишни буюрганлар.

? Баъзи муаззинлар иқоматни юриб туриб айтишади, намозхонлар ҳам иқомат айтила бошлангандаёқ туриб кетишади...

! Бу ҳол суннатга хилофдир. Иқомат азон каби бир жойда туриб айтилади. Намозни кутаётган жамоат эса, иқоматнинг «Ҳаййа ьалас-солаҳ!» лафзлари айтилгандагина туришлари керак.

(«Ҳидоя»).

Аллоҳ қўллимиздаги нуқсонларимизни кечирсин, юриш-туришимиздаги хатоларимизни ўнглаб, Ислому одобига мувофиқ қилсин.

НАМОЗ МЎМИННИНГ МЕЪРОЖИ

Қуйидагилар намознинг фарзларидир: 1. Таҳрима. 2. Қиём. 3. Қироат. 4. Рукуъ. 5. Сажда. 6. Охирги қаъда.

1. Таҳрима. Бир нарсани ҳаромга чиқарувчи «таҳрима» дейилади. Намоз такбир, тасбиҳ ва Қуръон тиловатидир. Намоз давомида намозга ёт нарсаларни қилиш ҳаром. Намоз бошидаги биринчи такбир (иқомат такбири эмас) билан намозга ёт нарсалар ҳаромга айланади. Бинобарин, мазкур биринчи такбир «такбири таҳрима» (ҳаром қилувчи такбир) деб аталади. Барча мужтаҳидлар таҳрима учун «Аллоҳу акбар» бирикмасини мақбул кўришган. Такбири таҳрима тик туриб айтилади. (Шунинг учун имом рукуъ ҳолида бўлганида унга иқтидо қилиш мақсадида энгашиб такбири таҳрима айтган киши намозга кирган бўлмайди).

2. Қиём. Тик туриш қиёмдир. Таҳримадан сўнг рукуъга боргунча эркакларнинг қиёмдаги ҳоли шундай: оёқ оралари тўрт бармоқ сиғадиган даражада очик бўлади; ўнг қўлнинг кафти (ичи) чап қўлнинг (таш) кафти устига қўйилади; ўнг қўл бош бармоғи ва чимчилоғи билан чап қўлнинг ошиғи ушланади; қолган уч бармоқ чап қўл билагига туради — шу ҳолда боғланган қўллар киндик остида тутилади. Қиёмда нигоҳ сажда қилинадиган жойга қаратилади.

Аёллар эса, оёқларини жуфт қилиб турадилар ва қўлларини эркаклар каби боғлаб, сийналари устига қўйиб турадилар.

3. Қироат. Қуръони карим оятларини ўқиш қироатдир. Намозда қироатнинг фарз бўлган миқдори бир узун ё уч калта оят ўқишдир. Фарз намозларининг исталган икки ракатида, вожиб, суннат ва нафл намозларининг ҳамма ракатларида қироат қилиш фарздир.

Ўн тўртинчи сабоқ

НАМОЗНИНГ ФАРЗЛАРИ ВА ВОЖИБЛАРИ

Имомга иқтидо қилган киши қироат қилмайди. Имом хоҳ овозини чиқариб, хоҳ ичида ўқисин, унга қулоқ солиб тек туради. Қироат ичда қилинганда уни ўзи эшитиши шарт. Агар ўзи эшитмаса, қироат ўрнига ўтмайди ва намоз ҳисоб бўлмайди.

4. Рукуъ. Энгашиш рукуъдир. Эркакларнинг рукуъ ҳоли шундай: бармоқлари ораси очилган қўллар билан тиззаларни чангаллаб, маҳкам ушланади ва ортга итарилади; бунда қўл ва оёқларда эгилган жой қолмаслиги ва орқа сув тўла идиш қўйилганида тўкилмайдиган даражада текис бўлиши керак; бош паст ҳам, юқори ҳам қилинмайди, орқа билан текис тутилади ва оёқ устларига қаралади.

Аёллар эса, оёқларини сал букадилар ва қўл бармоқларини жипслаштириб, тиззалари устига қўядилар. Рукуъда аёллар билакларини баданларига ёпиштириб турадилар.

5. Сажда. Икки оёқ, тизза, қўл ҳамда бурун ва пешонани ерга қўйиш билан сажда адо этилади. Эркакларнинг сажда ҳоли шундай: оёқ панжалари букилиб, қўл панжалари жипслаштирилиб, қиблага йўналган бўлади. Бош икки қўл орасига қўйилади, бунда ўлчов шуки, қулоқлар устидан бирор нарса ташланса, кафтлар устига тушиши керак. Саждада оёқлар ердан кўтарилмайди. Кўз юмилмайди, бурун юмшоқларига қараб турилади. Намозни танҳо ўқиганда қўлтиқ очик туради. Қорин сонга, сон болдирга, билаклар ерга, тирсак баданга текказилмайди.

Аёллар эса қўлтиқларини



очик тутмайдилар, билакларини ерга, қоринларини сонларига текказиб, сажда қиладилар. Оёқ бармоқларини букиб, ерга тирамайдилар, ёнбошлатиб, ўнг тарафдан чиқарадилар.

6. Охирги қаъда. Намознинг охирги ракатидан сўнг ташаҳхуд ўқиш муддатича ўтириш. Эркакларнинг қаъда ҳоли шундай: чап оёқни ёнбошлатиб тўшаб, унга ўтирилади, ўнг оёқ панжаларини қиблага қилиб букиб тик тутилади. Қўлларининг бармоқлари учи тизза баробарида, эркин ҳолда, қиблага қилиниб, сонларга қўйилди ва кўкракка қараб турилади.

Аёллар эса, қўлларини мазкур ҳолда тутиб, чап қуйруқларига ўтирадилар ва оёқларини ўнг тарафдан чиқарадилар.

Қуйидагилар намознинг вожибларидир: 1. Таҳрима учун «Аллоҳу акбар» лафзларини айтиш. 2. Қироат қилиш лозим бўлган ракатларда Фотиҳа сурасини бир бор ўқиш. 3. Фотиҳа сурасидан сўнг яна бир сура тиловат қилиш. 4. Уч ва тўрт ракатли фарз намозларнинг олдинги икки ракатида қироат қилиш. 5. Уч ва тўрт ракатли намозларнинг биринчи қаъдаси. 6. Қаъдаларда ташаҳхуд ўқиш. 7. Имомга: бомдод, шом, хуфтон ва жума намозларини жаҳр, пешин ва аср намозларини ичида ўқиш. 8. Витр намозидан кунут дуосини ўқиш. 9. Рукунларни маромида қилиш. 10. Муаййан адашган ҳолларда (кейин баён этилади) саждаи саҳв қилиш. 11. Намоз жамоат билан ўқилганда имомга тобеъ бўлиш. 12. Намозни салом билан тугатиш.

Муҳаммад СИДДИҚ

Бир саволим бор

Ассалому алайкум «Хидоят» журнали тахририяти! Менинг намоз ўқиш қоидаларига оид бир неча саволларим бор. Шуларга жавоб йўласангиз.

Тўражон МУҲАММАДАЛИЕВ,
Балиқчи

1. Якка ҳолда намоз ўқилганида жаҳрий намозлар қандай адо этилади?

Жавоб. Якка одам жаҳрий намозларни ўз вақтида адо этса, овоз чиқариб ёки чиқармай ўқиши ихтиёрий. Аммо вақтидан ўтказиб (қазо қилиб) адо этаётган бўлса, фақат ичиди ўқийди.

2. Намознинг фарзлари саналганида фарз намознинг исталган икки ракатида қироат қилиш фарз дейилган. Вожиблари саналганда «уч ва тўрт ракатли фарз намозларининг олдинги икки ракатида қироат қилиш вожиб дейилган. Масалан, фарз ҳукмига риоя этган ҳолда исталган икки ракатда (дейлик, биринчи ва учинчи ёки

яна бошқача) қироат қилинсаю бошқаларида қироат қилинмаса, тарки вожиб ҳисобланадими? Бундай намознинг ҳукми нима бўлади?

Жавоб. Ҳа, тарки вожиб бўлади. Агар адашиб шундай ўқилса, саждаи саҳв билан ўнгланади, аммо атайлаб тарк қилса, намози ҳаромлик билан адо этилган бўлади. Зеро, ҳар қандай вожибни атайлаб тарк қилиш ҳаромдир.

3. Намозда Фотиҳа сурасидан сўнг ўқиладиган суралар белгиланганми?

Жавоб. Намозда Фотиҳа сурасидан сўнг муайян сурани муайян намозда ўқиш белгилаб қўйилмаган. Аммо намозларда Фотиҳа сурасидан сўнг суннатта мувофиқ ўқиладиган сураларни калта-узунлиги кўрсатилган. Бинобарин, фурсат кенг бўлганида, бомдод ва пешин намозларида Буруж сурасидан олдинги сураларни, аср ва хуфтон намозларида Баййина сура-



сидан олдинги сураларни ўқиш суннатдир. Фурсат оз бўлса, шундан келиб чиқиб ўқилади («Шарҳи виқоя»).

4. Саждада бурун ерга тегмаса сажда жоиз бўладими? Пешонада жароҳат бўлса ва уни ерга теккизиш мумкин бўлмаса, нима қилинади?

Жавоб. Саждада бурунни ерга узрсиз теккизмаслик макруҳ бўлади. Пешонада жароҳат бўлиб, уни ерга теккизиш мумкин бўлмаганида, бурунни ерга теккизиб сажда қилинади. Бу ҳам мумкин бўлмаса, намоз ўтириб ўқилади ва рукусужудга имо қилинади («Халаби Кабир»).

Бомдод намозини камдан кам ҳолда ўз вақтида ўқийман. Гоҳо қуёш чиқиб бўлгандан кейин ё уни жамоат ўқиб бўлгач уйғонаман. Қандай қилсам бомдод намозини вақтида ва жамоат билан ўқийман. Маслаҳат беринг.

Абдужалил КАМОЛОВ,
Тракторсозлар шахарчаси

Жавоб. Аввало, бомдод намози фазилатини билиб, унга эришишни мақсад қилиш керак.

Имом Муслим ва Термизий Расулуллоҳдан, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай ривоят қиладилар: «Ким бомдод намозини жамоат билан ўқиса, бутун кеча намоз ўқиганлик савобига эришади».

Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қиладилар: «Бомдод намозини ўқиган мўмин, Аллоҳнинг ҳифзу ҳимоясида бўлади» (Имом Бухорий ва Табароний ривоятлари).


Имом Бухорий ривоят қилган саҳиҳ ҳадисда: «Ким икки бардни ўқиса, жаннатга кирди», дейилган. Икки бард — бомдод ва аср намозларидир.

Иккинчидан, мусулмон одам бомдод намозини қолдириш қанчалар оғир эканини билмоғи лозим. Расулуллоҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мунофиқлар учун энг оғир намоз — хуфтон ва бомдод намозидир», деганлар.

Бу айтилганларга қаноат қилган мўмин бомдод намозини вақтида ўқиш учун яна: эрта ётиши; бомдод намозига турмоқ учун ният ва қарор қилиши; ухлашдан олдин таҳорат олиши ва Аллоҳни ёдлаб уйқуга кетиши; уйқудан уйғонган заҳотиёқ Аллоҳ таолони зикр этиши; намозга турмоқ учун аҳли оиласидан ва солиҳ кишилардан ёрдам сўраши; Парвардигорга илтижо қилиб, бомдод намозини жамоат билан адо этишга муваффақ қилишини сўраши; жиринглоқ соатдан фойдаланиши керак.

Муҳаммад Шариф ЖУМАН
тайёрлади.

Исмоил ҲАКИМОВ,
Даврон АБДУЛЛОҲ



ЎЛИМ ЙЎҚЛИК ЭМАС

Тошлар тириляпти

Умуман жонсиз ҳисобланган тошлар тирилар экан, тупроққа айланган инсонларнинг тирилмаслиги мумкин эмас.

Қоялар парчаланиб шағал бўлади, шағаллар майдаланиб қум бўлади, қумлар ҳам майдаланиб тупроқ бўлади. Демак, қоялар тупроқни таъминлайди.

Геология китоблари ёрдамида дунё илк яратилган даврга илмий саёҳат қилсак, ер хоҳ куёшдан ажралган бўлсин, хоҳ газ булутларининг зичланишидан шаклланган бўлсин – ҳар икки ҳолатда ҳам дунё дастлаб ҳавосиз, сувсиз ва тупроқсиз қаттиқ жисм парчаси ёки тошдек катта бир жисм бўлганини кўраемиз. Бу улкан тош ёки қаттиқ жисм парчасидан денгиз, атмосфера ва минглаб турли жонзотларни яратган Аллоҳ дунёни такрор молекулалар ва ёки зарралар ҳолига қайтарса, иккинчи марта янгидан жонлиларни ярата олмайдими? Қийин бўлса, илк яратиш қийин бўлиши мумкин, қайта яратиш осонроқдир. Демак, қиёмат кўпса, ҳар бир нарсани кулдек кўкка совирилса, Аллоҳ бутун жонзотларни қайтадан яратади. Айниқса, ўз ихтиёри билан бир қанча яхши ва ёмон амаллар қилган инсонлар учун Маҳкамаи Кубро (Олий суд) куради, яхшиларга мукофот, ёмонларга жазо беради.

Маълумки, темир занглаб чириydi. Чириган темирлар тупроқ бўлади, тупроқ ўсимликлар танасида тирилади. Темирлар тириляётган бу оламда инсонларнинг қайтадан тирилишига гумон қилиб бўладими ахир?!

Истасангиз, шундай бир тажриба ўтказиб кўринг. Катта бир тошни олиб, ун ҳолатига келгунча яхшилаб майдаланг. Кейин бу тош унини бир тувакка солиб, ичига бир данак ёки уруғни кўмиб, сув қуйинг. Ўсимлик ўса бошлайди. Аммо ўсимлик етарлича ривожланмайди, чунки тош қумида органик моддалар етарли эмас. Агар тувакка озгина гўнг солинса, ўсимликнинг чиройли ўсиб ривожланаётганини кўрасиз. Тош уни билан гўнг ўсимлик вужудида ана шундай тирилар экан, ўлган инсоннинг қайта тирилишига ишонмай кўринг-чи! Тош уни ва ҳайвон гўнгига шундай тирилиш хусусиятини берган Аллоҳ энг мукамал махлуқ бўлмиш инсонни ўлдириб қайта тирилтира олмайдими?

Ҳа, тошлар тирилади, аммо Аллоҳнинг раҳматидан насибасини ололмай тошдек қотган қалблар...

Гўнглари тирилади, лекин ахлоқсизликнинг ифлос ва тубан ҳаётини маданият ҳисоблаган инсонлар, исломиятнинг моддий ва маънавий оламларида тирилмаслиги мумкин. Ҳолбуки, ҳар ким учун тавба эшиги доимо очикдир. Чунки тирилишимиз каби, тирилиб жаннатга кетишимиз ҳам муҳим.

Ҳужайрада ҳаёт

Инсон танасидаги энг кичик борлиқ ҳужайра эмас, балки зарра (атом) ҳисобланади. Зарралар ўзига хос энергия манбаи бўлиб, жонли ва жонсиз барча нарсанинг асосини ташкил этади. Бундан ташқари ҳар бир зарра, жуда кўп мавжудотлар вужудида муайян вазифани энг мукамал равишда адо этгани ҳолда, ўзидан ҳеч нарсани йўқотмайди. Жуда кўп ишчи ва хизматчилар бутун диққат-эътибори билан ишлаб, баъзан ўз ишларида хатоликка йўл қўйишлари мумкин. Аммо ақли, илми ва тажрибаси бўлмаган зарралар энг гўзал бир шаклда вазифаларини адо этадилар. Бу ҳол зарраларнинг Аллоҳ амри билан ишлаётганини кўрсатади.

Зарралар инсон деб аталадиган саройнинг гиштларидир. Маълумки, бир саройнинг қурилиш ашёлари ўз-ўзидан пойдевор, девор ва устун бўлолмаганидек, зарралар ва зарралардан майдонга келган молекулалар ҳам ўз-ўзича инсон саройини қура олмайди. Бу ишни зарралардан барча нарсани ясаган ва яратган Нозими Мутлақ Аллоҳ қилади.

Тез-тез кўряпмизки, биноларни йиқитиб, қайтадан қуришяпти. Ажабо, инсон биносини қурган Аллоҳ уни йиқитиб қайтадан қура олмайдими?!

Зарралардан молекулаларни, молекулалардан ҳужайраларни яратган Аллоҳ ғоят кичик бу ҳужайраларга кўпайиш, сезиш, озиқланиш ва ўлиш каби инсонга хос хусусиятларни берган. Ҳужайра гўё бир инсон каби яшайди. Бинобарин, инсоннинг вужудида ҳужайра деб аталадиган милёнларча кичкина инсончалар яшайди, деса бўлади.

Бир инсон вужудда милёнларча хужайрани инсондек яшатиб кўйган Аллоҳ балиқнинг қорнида Юнус алайҳиссаломни яшата олмайдими?

Зарралардан молекулалар, молекулалардан хужайралар, хужайралардан эса инсон яралгандир.

Энди коинотга назар ташлайлик

Зарралардан молекулалар, молекулалардан осмон жисмлари, осмон жисмларидан Қуёш системалари, Қуёш системаларидан эса галактикалар яратилган.

Демак, инсон кичрайтирилган бир коинотдир.

Демак, коинотни яратган ким бўлса, инсонни яратган ҳам Удир. Инсонни ярата олмаган зот, коинотни ярата олмайди. Демак, табиат яратувчи эмас. Ҳеч бир нарса ўзини-ўзи ярата олмайди. Ҳар нарсани яратувчи ёлғиз Аллоҳ таолонинг ўзидир.

Табиат бир санъат асаридир, санъаткор бўла олмайди. Табиат бир китобдир, котиб бўлолмайди. Табиат бир нақшдир, наққош бўлолмайди.

Хужайра илми билан шуғулланадиган соҳанинг (гистология) кўзга кўринган олимларидан Алексис Карел хужайра устида қилган илмий ишлари ва тадқиқотларидан кейин «Инсонлар, уйғонинг» ва «Инсон мажхулдир» номли иккита асар ёзади. Олим бу китобларида инсонларни уйғотиб, табиат исмли бутдан воз кечиб, Аллоҳга имон келтиришга чақиради.

Ҳар бир жонзот хужайрасининг тузилиши бири-биридан фарқ қилади. Масалан, маймун хужайрасидаги хромосомалар сони билан инсон хужайрасидаги хромосомалар сони бир хил эмас. Фақатгина электрон микроскоплар билан кўрилиши мумкин бўлган айрим хромосомалардаги генларга «наслга тортиш» ҳислати жойлаштирилгандир. Янги тутилган чақалоқнинг қариндошларидан бирига ўхшаши илм ген тушунчаси билан изоҳлайди.

Энди ўйлаб кўрайлик, кичкина бир генга бир инсоннинг кўз, қулоқ бурун тузилиши қандай жойлаштирилган? Ҳар бир жонзотнинг аввали битта хужайра бўлса-ю, қандай қилиб ҳар бир хужайрадан бошқа-бошқа вужуд шаклланыпти? Бири маймун, бири инсон, бири сигир, бири мушук бўляпти? Хужайрадан ҳар хил вужудлар яратиш ва бир жинсга турли шакллар бериш тасодиф бўлиши мумкин эмас. Кафтдек инсон юзида инсонлар сони қадар чеҳра фарқи бор. Ҳеч ким бошқа бировга тўлиғича ўхшамайди. Расмларни кузатсангиз, инсоният тарихида ўтганларнинг қиёфалари бири-биридан фарқли эканини кўрасиз. Демак, илк инсонни яратган Зот бутун инсонларни ҳам яратганки, ҳар кимнинг юзини бири-биридан фарқли қилган. Инсоният низоми бўлган исломийат шартлари унга татбиқ этилиши учун инсонларнинг юзлари турлича яратилган. Юзлари бири-бирига ўхшаса, унда ҳар кимса бири-бирининг уйига киришига тўғри келар ва никоҳнинг шартларини татбиқ этишнинг имкони бўлмас эди.

Заррадан коинотгача ҳар нарсага ҳоким бўлган

Аллоҳ шу тарзда никоҳ билан генни бир-бирига алоқдор қилиб қўйди. Генлар орқали инсонларни фарқли қилган Аллоҳ никоҳ билан оила ва турмуш қуриши буюрди.

Бу қадар буюк ва мукамал низом ўткинчи бўла оладими?! Бу низомни яратган ва давомли қилган Зот охират низомини ярата олмайдими?!

Бу ҳақиқатларга шуларни ҳам қўшимча этишимиз мумкин: «жонли тўқималарнинг энг кичик парчаси хужайрадир; жонли организмда ҳар бир хужайра алоҳида вазифаларни бажаради. Мушукнинг мияси ҳам, инсоннинг мияси ҳам хужайралардан тузилган, аммо инсоннинг мияси компютер деб аталадиган «электрон миялар» ясай олгани ҳолда мушукларнинг мияси фақат табиий ҳаётини ўтказишга ярайди. Агар Аллоҳ инсоннинг бошига мушук миясини жойлаб қўйса эди, маданият ва ривожланиш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Демак, маданият неъматларидан фойдаланаётган инсонлар, ўзларига инсон миясини берган Аллоҳга имон келтириб, Унга итоат этишлари лозим.

Жонли организмлар хужайра гиштларидан қурилган бир саройдир. Бурнимиздаги хужайралар ҳид, тилимиздаги хужайралар таъм билади, қулоғимиз эшитади, кўзимиз кўради. Хужайрадек бир нарсага турли ишларни қилдирган Аллоҳ ўша хужайраларни охират оламида яшата олмайдими?! Ибдоъ ва Иншо сифатларига эга бўлган Аллоҳ дунё ва охиратни яратди, яратганларига ҳаёт ва низом берди.

Бир қозонда қирқ хил таом

Баҳор яқинлашиши билан деҳқончилик ишлари бошланади. Деҳқон турли уруғларни турли ерларга экади. Ҳар бири биттадан майит каби тупроққа қирган уруғларнинг усти ёпилади, зоҳиран йўқ бўлди ҳисоб.

Секин-аста ҳаволар исий бошлайди. Дала гўёки бир қозон, қуёш эса бу қозоннинг ўчоғи бўлади. Илдизлар оламида қозон қайнай бошлайди. Қозон қайнай бошлаши билан овқатлар ҳам пишади. Тарвуз, қовун, қовоқ, жўхори, пиёз ва картошкаларнинг ҳар бири бир таомдир. Дала деб аталадиган бир қозонда қирқ хил таом бир пайтда пишади ва бу таомларнинг таъми, ҳиди ва ранги бири-бирига аралашиб кетмайди. Тупроққа гўёки жонсиз ҳолатда кўмилган уруғлардан мазали, хушбўй ҳидли, рангли ва лаззатли озуқаларни яратган Аллоҳ ўлган инсонларни тирилтира олмайдими?! Ўзига итоат этганлар учун эса жаннатни яратиш, уларга мукофот бера олмайдими?

Жаннатдек жойларни яратган Зот жаннатнинг ўзини ярата олмайдими?! Тупроқдек оддий бир нарсадан ҳар қандай мўъжизани ярата оладиган Зот тупроқ бўлиб кетган инсонларни такрор тирилтира билмайдими?! Охиратдаги ҳаётларини давом эттира олмайдими?

— Ҳожи домла, суҳбатимиз аввалида «Саййид Муҳйиддин махдум» мадрасасининг очилиши, бу билим масканига шундай ном қўйилиши ҳақида сўзлаб берсангиз.

Аллоҳга шукурлар бўлсинки, бизларнинг диёримиздан ҳар қанча гурурлансак арзийдиган тафсир, ҳадис, фикҳ, ақоид каби диний, айни чоқда, ҳандаса, алжабр, фалакиётшунослик, жуғрофия, тиб каби дунёвий илмларда бутун башариятга устоз ўлароқ эътироф этил-



рида Қашқарга кетиб, ўша ерда вафот этган, замонамизнинг машҳур муттақий олими, адолатли шариат ходими Саййид

Ўтган қисқа давр мобайнида талабаларнинг яхши илм олишлари учун зарур шароитлар муҳайё қилинди: ётоқхоналар, синфхоналар, кутубхона ва 400 ўринли катта масжид, ошхона ва маиший хоналар қуриб битказилди. Бу ишларга Андижон халқи жуда катта ёрдам берди. Ўзбекистон мусулмонлари идораси томонидан мударрис-устозларга маошлар, толиби илмларга ёрдам пуллари берилмоқда, билим юртимиз замонавий

МАЪДАНИ ДИН БЎЛСИН

Андижон вилояти Олтинкўл туманидаги «Саййид Муҳйиддин Махдум» Ислом ўрта-махсус билим юрти мудирини Ҳабибулло Ҳожи Бўтабоев билан суҳбат.

ган буюк уламолар етишиб чиққан. Лекин бу азиз юрт қарийб бир ярим аср зулумотда, мустамлакачилар зуғуми остида яшади. Алҳамдулиллаҳ, Аллоҳ бизларни шундай аҳволда қолдирмади, истиқлол неъматини насиб этди. Ушбу илм даргоҳи 1992 йили очилди. Илмга чанқоқ халқимиз фарзандлари шуурига илоҳий маърифат нури қайта тарала бошлади.

Мадрасамиз фаолиятига давлат томонидан руҳсат берилганидан сўнг унга ном қўйиш масаласи кўндаланг бўлди. Шунда Андижонда яшаб, қозии калон вазифасида хизмат қилган ва Совет дав-

Муҳйиддин махдум домланинг номларини қўйиш маслаҳати ҳаммага маъқул ва манзур бўлди. Ушбу даргоҳга келган барча толиби илмлар ўша зот сингари илмда, тақво ва амалда ажойиб, баркамол ва садоқатли инсон бўлишларини Яратгандан сўраймиз. Саййид Муҳйиддин махдум домлага муносиб издошлар етишиб чиқшини умид этамиз.

— **Мадраса ҳаётида содир бўлган ўзгаришлар қандай?**

— Ёшларнинг маънавий ва жисмоний жиҳатдан етук инсонлар бўлиб улғайишида ушбу даргоҳнинг ўрни катта. Ўзбекистоннинг турли вилоятларидан илм истаб келган талабаларнинг биринчи қалдирғочлари 1996 йилда қўлларига шаходатномаларни олган эдилар. Ҳозирда улар ўз шаҳар ва туманларидаги жомеъ масжидларда хизмат қилмоқдалар. Билим юрти «аъло» баҳоларга битирган баъзи талабаларимиз Тошкент Ислом университетида ўқишни давом эттиришмоқда.

компютерлар билан тامينланди. Талабаларнинг замон талабига мувофиқ ҳам диний, ҳам дунёвий илмларни эгаллашлари учун барча шароитлар муҳайё қилинди.

— **Мадрасага қабул жараёни қандай кечади?**

— Мадрасамизга кирмоқчи бўлган талабгорлар, аввало, бир йил давомида тайёрлов курсида таҳсил олишади. Уларга тажрибали домлаларимиз араб тилининг сарф ва наҳви-ни ўргатишади. Куръон ёдлатилади, ҳадис илмидан ҳам сабоқ берилади.

Сўнгра ушбу диний илмлар бўйича талабгор махсус синов ҳайъати ҳузурда суҳбатдан ўтади. Юқори баҳо олганлар кириш имтиҳонларига қўйилади. Имтиҳонлар дунёвий фанлар бўйича бўлади.

— **Билим юртидаги таълим-тарбия жараёни ҳам журнал-хонларни қизиқтиради. Қандай китоблар ўқитилади?**

— Бугунги кунда билим юртида 154 нафар талаба таҳсил олмақда. Таълим жараёни 2000-



2001 ўқув йилидан бошлаб давлат таълим стандартлари бўйича ишлаб чиқилган янги ўқув дастури асосида олиб борилмоқда. Ушбу дастурга кўра, талабаларга йигирмадан кўпроқ диний ва дунёвий фанлардан дарслар ўтилади. Айниқса, инглиз тили, математика, компютер бўйича ўқув фанлари ўтилиши талабаларнинг малакаси ва дунёқарашини замон талаблари даражасида бўлишига олиб келади. Бу ҳол, албатта, қувонарлидир.

Билим юртимизда йигирма етти нафар устоз ва тайёрлов бўлимида тўққиз нафар тарбиячи хизмат қилмоқда. Мен бу ўринда билим юртимизнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича мудир ўринбосари мулла Абдулқаҳҳор ҳожи Махсимовнинг таълим-тарбия жараёнидаги хизматлари таҳсинга сазовор эканини ҳам таъкидлаб ўтишни истар эдим. Барча устозлар билим юртимизга келган толиби илмлардан, аввало, одобли, гўзал хулқли, ўқиган-билган илмига амал этадиган, Ватанига садоқатли инсонлар бўлишни талаб қиладилар.

Ўқув жараёни қатъий жадвалга асосланади. Ҳар кунги талабаларнинг йиғилишларида, турли мажлисларда, машғулотлар жараёнида устозлар томонидан талабаларга керакли маслаҳатлар берилади. Турли долзарб мавзуларда давра суҳбатлари ҳамда ўқув фанларидан гуруҳлараро мусобақалар ўтказиб борилади.

Юртимиз ўқув даргоҳларида азалдан ўқитиб келинган «Кофия», «Бидон», «Шифоҳия», «Авомил» «Ибодати исломийа», «Мухтасар», «Ҳидоя», «Дурусун-наҳв» ва бошқа қатор китоблардан тўрт йил давомида талабаларга таҳсил берилади.

— Билим юртига келган ва ташрифи сизда катта таассурот қолдирган меҳмонлар ҳақида ҳам қисқача тўхталсангиз.

— Республикамакмизнинг бошқа вилоятларидан ва чет элдан Андижонга келган меҳмонлар бизнинг билим юртимизга ҳам ташриф буюрадлар. Жумладан, Америкодан шайх Қаббоний ҳазратларининг 2001 йилдаги ташрифи мударрис ва талабаларда катта таассурот қолдирган. У зот самимий суҳбатдан сўнг кўп дуои хайр қилдилар.

Мадрасамизнинг очилиши арафасида табаррук 100 ёшларида устозимиз Ҳожи Ҳиндистоний домла (р.а.) ҳам келган эдилар. Устоз ўқув юрти мударрислари ва талабалари билан суҳбатдан мамнун бўлиб, мадрасамиз ҳаққига: «Илоҳим, ушбу даргоҳ маъдани дин бўлсин!» деб дуо қилганлар. Иншааллоҳ, бундай табаррук зотларнинг дуолари баракотидан битирувчиларимиз орасидан замонамизнинг ҳазрати Имом Бухорий (р.а.), ҳазрати Имом Мотуридий (р.а.), ҳазрати Имом Бурҳониддин Марғинонийлари етишиб чиқади, деб катта умид қиламиз.

— **Келгусида билим юртида амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида фикрларингиз қандай?**

— Ҳозирги кунда диёримизнинг ҳар бир фарзанди, хоҳ у раҳбар бўлсин, хоҳ оддий ходим, аввало, юртимизнинг



тинчилигини, халқимиз ҳаётининг фаровонлигини, давлатимизнинг ривожини ўйлаб, ўз хизмат вазифасини адо этмоғи керак, деб ўйлайман. Бу борада биз ҳам талайгина тadbирлар режалаштирганмиз.

Биринчидан, билим юрти мударрисларига илмий тadbиротлар олиб боришлари учун шарт-шароитлар муҳайё қилиш.

Иккинчидан, диний таълимни ривожлантириш учун зарур бўлган дарслик ва қўлланмалар ёзиш.

Учинчидан, халқимизга, айниқса, ёшларга “Аҳли сунна вал жамоа ақоиди”га асосланган давлатимизнинг дин соҳасида олиб бораётган сиёсатини тушунтириш... Бундай ишларнинг таъсирини ошириш учун эса эътиқодда адашган ва сиёсий зўравонлик йўлига кирган одамларни тўғри йўлга солиш мақсадида турли маърифий тadbирларни амалга ошириш ва бошқалар.

— **«Ҳидоят» журнали мухлисларига дил сўзларингиз.**

— Илоҳо, халқимиз ҳидоятда барқарор бўлсин. «Ҳидоят» мухлисларининг илмларига илм қўшилсин. Бу мажалла халқимиз маърифатини ошириш, маънавиятини юксалтириш ҳамда ҳақ йўлдан адашмасликлари борасида кўпроқ хизмат қилсин.

Фанишер ҚОСИМОВ
ёзиб олди.





Агар менга бу воқеани ўз бошидан кечирган одам сўзлаб бермаганида, кимдир тўқиган афсона деган бўлар эдим. Сизларга ҳам айтиб ўтирмасдим. Мана, ўша воқеа, эшитинг:

«Мен асли Мадинаи Мунаввара шаҳридан бўламан. Уйланганман, фарзандларим бор, ёшим ўттиз еттида. Бир



Кейин йиғлади. Унга қўшилиб мен ҳам йиғлаб юбордим. Ўғлим кўз ёшларимни артди. Яна имо-ишоралар билан менга гапира бошлади:

«Отажон! Тупроққа кўмилмасдан ва аламли азобга дучор бўлиб қолмасингиздан олдин намоз ўқинг...»

СЎЗАМОЛ СОҚОВ

пайтлар ҳаром ишларга муккасидан кетган одам эдим. Баъзи-баъзида одамлар кўзи учун жамоат намозларига бориб турар эдим. Кўп куним хулқи ёмон дўстларим билан бирга шайтонга эргашиб ўтар эди. Менинг етти ёшли Марвон исмли кар ва соқов ўғлим бор. Лекин ўғлим мўмина онаси кўксидан имон сутини эмиб катта бўлган.

Бир куни кечкурун ўғлим билан уйда эдим. Одатдагидек, ичимда бир нарса кўчага тортқилапти. Масжидда шом намози адо қилиб бўлинди. Шу пайт ўғлим Марвон менга гапира кетди (биз ўзаро тушунарли бўлган имо-ишоралар билан сўзлашар эдик):

«Отажон, нима учун намоз ўқимайсиз? – Қўлини кўтариб: «Аллоҳ сизни кўриб турибдику, ахир», деди. Ўғлим менинг баъзи мункар ишларимга ҳам гувоҳ бўлган эди. Мен унинг «сўз»ларидан таажжубландим. У эса бирдан йиғлай бошлади. Ёнимга чақириб, эркалатмоқчи бўлсам, ўзини олиб қочди. Сал фурсат ўтмай, таҳоратга киришди. Сўнг менга қараб, бир оз кутиб туринг, дегандек ишора қилди. Намоз ўқиди. Кейин бориб, Мусҳафи Шарифни олиб келди, варақламасдан тўғри келган саҳифани очди ва бармоғини ушбу оятга қўйди:

«Эй ота, ҳақиқатан, мен сизга Раҳмон томонидан азоб етиб, (дўзахда) шайтонга дўст-яқин бўлиб қолишингиздан қўрқурман» (Марям, 45, мазмуни).

Аллоҳга қасамки, шундай қаттиқ кўрқув ва даҳшат ила сакраб ўрнимдан туриб, уйдаги ҳамма чироқларни ёқа бошладим. Ўғлим менинг ортимдан хонама-хона юриб, менга ачиниш назари билан боқар эди. Олдимга келиб:

«Ота, чироқларни қўятуринг. Юринг, катта масжидга борамиз», деди. У Масжиди Набавийни назарда тутарди. Мен унга:

«Балки уйимиз яқинидаги масжидга чиқармиз», дедим.

Марвон айтганида туриб олди. Уни олиб йўлга чиқдим. Қаттиқ кўрқувда эдим. У мени асло назаридан қочирмади. Вужуди кўзга айланиб, мени таъқиб этмоқда эди.

Равзаи Шарифга кирдик. Масжид одамлар билан тўла. Хуфтон намози адо этилмоқда. Имом намозда Аллоҳ таолонинг ушбу оятини тиловат қиларди:

«Эй имон келтирганлар! Шайтоннинг изларига эргашмангиз ва кимки шайтон изларига эргашар экан, албатта, у фаҳш ва мункар ишларга буюради. Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва раҳмати бўлмаса эди, сизларнинг ҳеч бирингиз ҳеч қачон покланмаган бўлардингиз» (Нур, 21, мазмуни).

Ўзимни тўхтатолмай, яна йиғладим. Марвон ҳам менга қараб йиғлар эди. Намоздан сўнг у чўнтагидан рўмолчасини олиб, кўзёшларимни артиб қўйди. Ота-ўғил масжидда бир соатча ўтириб қолдик. Тинимсиз йиғлаётганимни кўрган ўғлим хавотирга тушиб:

«Етар, отажон... Қўрқманг...» деди.

Уйга қайтдик. Бу кеча мен учун энг ажойиб кеча эди. Чунки мен қайтадан дунёга келган-

САБРЛИ БЎЛАЙЛИК

дек эдим. Хотиним, болаларим қошимга келдилар. Марвон туриб:

«Отам Масжиди Набавийда намоз ўқидилар», деди.

Хотиним ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди. Мен унга Марвон билан орамизда содир бўлган воқеани сўзлаб бердим ва ундан:

– Сен унга Қуръондаги ўша оят битилган саҳифани очишни ўргатиб, тайинлаб қўйганмидинг? – дея сўрадим.

Хотиним Қуръонни тўла ёд олган, тақводор аёл эди. У Аллоҳ номи ила уч бора қасам ичиб, бундай қилмаганини айтди. Сўнгра:

– Ушбу ҳидоят учун Аллоҳга ҳамд айтинг, – деди.

Бу онлар ҳаётимдаги энг ҳузурбахш онлар эди. Энди эса, Аллоҳга ҳамд бўлсинки, ҳар куни жамоат намозида ҳозирман. Эски «дўст»ларимдан буткул алоқани узганман.

Мен ниҳоят имон лаззатини тотдим. Хотинимга меҳр-муҳаббатим ортди. Болаларимни жондан азиз кўраман, айниқса, соқов ўғлим Марвонни...»

Юсуф АҲМАД
таржимаси.



Динимизда сабр энг юксак ахлоқий фазилатлардан бири саналади. Сабр фазилати мўминлар қалбига сукунат ва хотиржамлик солади, алам бераётган дардларига малҳам бўлади: сабрли мўминлар ғамташвиш ва қийинчиликларни Аллоҳ таолонинг синови деб ҳисоблайди. Ҳар бир машаққатқийинчиликлар ортидаги ҳикматни кутади. Уқубатли дамларда жоҳил кишиларнинг хафагарчилиги ортади. Қуръони карим сабрли мўминларни юксак фазилатли бандалар деб улуғлаган.

«Сабр» сифати Қуръони каримда етмиш жойда зикр қилинган. Сабр барча фазилатларнинг онаси ҳисобланади.

«Албатта сабрлилар ўз ажру савобларини ҳисоб-китобсиз тўлиқ оладилар» (*Зумар, 96, мазмуни*);

«Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир»;

«Албатта, биз сизларни хавф, очлик, мол, жон, меваларнинг (ҳосилнинг) камийиши билан синаб кўрамиз, сабрлиларга башорат, улар шундай кишиларки, мусибат етса биз Аллоҳникимиз ва албатта унинг ҳузурига қайтгучимиз, дейишадди. Ундай кишиларга Парвардигорлари-

дан мағфират ва раҳмат бордин ва ундай кишилар ҳидоятда юрганлардир». (*Бақара, 155-157, мазмуни*).

Сабрли бандалар уч хислатга — Аллоҳнинг мағфиратига, Аллоҳнинг раҳматига, ҳидоят ва ҳақ йўлда бўлишга эришадилар.

Хафачилик, дарду ҳасрат сабрли мўминларга ҳукмини ўтказа олмайди.

Ҳазрат Суҳиб ибн Санон розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қилиб айтадиларки: «Мўмин кишиларнинг ҳолига таажжуб қилинурки, унинг ҳамма аҳволи хайриётлидир. Бу ҳол фақат мўминларгагина хосдир, ҳеч кимга насиб бўлмагандир. Яъни, мўмин кишига бир хурсандчилик келса, унга шукр қилур, бу унинг учун хайридир ва агар унга бир мусибат етса, унга у сабр қилур, бу ҳам унинг учун хайридир» (*Имом Муслим*). Ҳазрат Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинурки: «Жаноб Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадиларки: «Мўмин кишига ва мўмина аёлга дунё мусибатлари ва уларнинг авлодларига ва молларига етиб туради. Хатто охири уларга етган мусибатга сабрлари баракотидан Аллоҳ таоло ҳузурига гуноҳлардан пок бўлган ҳолда борурлар» (*Имом Термизий*).

Салоҳиддин НУРИДДИНОВ,
Фаргона

ЧОРШАМЪ

Бу гүшани унутма асло

Яшагим келади

«Бандалик хожалик ила рост келмас»
Деб гулом тутмаган Нақшбанд каби
Улуғлар умрига қилганча ҳавас
Яшагим келади!

«Зоҳид бўлма, обид бўлма, ошиқ бўл»—
Яссавий ҳикматин қўмсайди кўнгил.
Маънисин чақмоққа чоғланиб нукул
Яшагим келади!

«Худодин ўзгаси барча — ғалатдур».
Бу Машраб чиқарган хулоса эрур.
Буюк тафаккурга бўлганча асир
Яшагим келади!

Мудом, ибрат эрур донолар хайли,
Кўплар кўтармаса кўтармас, майли,
Не қилай, шунақа юрагим зайли,
Яшагим келади!

Амалга қараб

Дин — насиҳат, Қуръон — эслатма,
Соддагина айтганда асли.
«Билимим зўр» дея кесатма,
Оғир турар бу сўзнинг қадри.
Чуқур кетма, чиқмоқлигинг бор,
Эслатгандир ҳатто Пайғамбар.
Ҳукм сўзлар ишлатган сари
Ортиб борар гуноҳинг аскар.
Фақатгина Аллоҳ билади,
Фақатгина қиёмат кунда
Ким-кимлиги аён бўлади.
Раҳм қилсин бизларга шунда.
Оқибат шу — ажрим бўлганда
Жаннатий ва дўзахий тараф.
Мақтов сўзинг ўтмайди унда
Ҳукм чиқар амалга қараб.



Таваккул этгучи

Саййид Муҳаммад Насафийга

«Ким Аллоҳга таваккул қилса,
бас, (Аллоҳнинг) ўзи унга етарлидир».
(Талоқ, 3, мазмуни.)

Жойнамозни тўшаб сафарга кетган
Бир муслим банданинг бориға балли.
Қаровсиз ҳовлида ўчоғи ўчган,
Аммо ҳарорати сўнмаган ҳали.

Ҳафталаб ва ойлаб ётади шундай,
Бунда тунаш мумкин, яшамоқ мумкин.
Эшитса у фақат хурсанд бўлади —
Уммондай бепоён феълидан маълум.

Қани, кир, бу ерни обод айлагил,
Уй одам билан уй саналар ахир.
Ҳазонларни супур, гулга сув тара,
Ўз уйингдагидай очилиб ўтир.

Истасанг, бир энлик хат ёзиб қолдир.
Истасанг, ёзмагил, ўзинг биласан.
Фақат бу гүшани унутма асло,
Соғиниб қолганда қайтиб келасан.

Мен келдим, келади бошқа биров ҳам,
Демак, узилмайди бундан қадамлар.
Мен сиздан ибратлар олиб яшайман,
Аллоҳга таваккул этган одамлар!



Айлан

Дайр ҳолин кўрай десанг, бозор айлан,
Умр қадрин билай десанг, мозор айлан.

Элу юрт роҳат уйқусида тин олса,
Бошида посибон бўлиб ҳазор айлан.

Фанимлар раҳна солса, сен самандар бўл,
Оловдай ён, шамолдай ел, шарор айлан.

Тиним билмай айланур еру осмонлар,
Кўшил сен ҳам қолмагунча гўбор, айлан.

Сайр эт, Чоршамъ-ей, кулбангда ётмасдан,
Келиб қолмиш бу водийга баҳор, айлан.

Фазлу карам

«Бир-бирингизга фазлу карам
қилишни унутманг».

(Бақара, 237, мазмуни).

Айлагил фазлу карам, эй ёр, менга,
Моҳ эрур сендай санам, эй ёр, менга.

Бевафолар касридан кўнгил зада,
Каммиди шунча алам, эй ёр, менга?

Дунёи дун дардлари бўлсин унут,
Бодани кўргил баҳам, эй ёр менга.

То қиёмат сен менинг жонимдасан,
Этмасанг бўлди ситам, эй ёр, менга.

Шоири йўқ гўшада Чоршамъ эдим,
Тутқазиб қўйдинг қалам, эй ёр, менга.



Муршида ИСМОИЛОВА

Бинафша

Болаларга

Ариқ бўйида кулиб
Бинафша турар эди.
Дарахт шохига қўниб,
Булбул ҳол сўрар эди.

Бинафша, жон, бинафша,
Ғунчанг очибди чечак.
Ариқ бўйи сен билан
Тақибди ёқут безак.

Бинафша, жон, бинафша,
Гулинг очибди чирой.
Кундуз қуёш эркалар,
Кечаси ошиқдир ой.

Олиб келдинг элимга
Айёмларнинг севинчин.
Сира завол кўрмагин,
Доим яшнаб тургин сен...

Сирғали

Мавлудахон
МУҲАММАД СИДДИҚА

Сабр

Чидаш керак қалқитмайин кўзларда ёшни,
Ошқор этмай қалб тубида ёнган оташни.
Собир бўлай дедим, найлай, қалқиди ёшим,
Сўнди, нетай, бирдан юлдуз, ойим, қуёшим.
Собир бўлай — фиғон этмай, сабр этай дедим,
Сабр дея оташ ютай, чўғ ютай дедим.
Сабр дея ҳасратларим чоки сўкилди,
Сабр дея Мавлуданинг қадди букилди.
Отаси бор, онаси бор бағри бутунлар,
Дилда нола, кўзда жола сиздан ўтинчим:
Кўш гавҳарни кўз-кўзлатмай кўздан яширинг,
Кўш гавҳарнинг шул яширин лаззати ширин.
Тўққиз ойди кўйнимдаги гавҳарим синди,
Беш ой бўлди гавҳаримнинг шуъласи тинди.
Ота-онам бир-бирига вафо этдилар,
Тўқсон ёшда бақо сари риҳлат этдилар.
Парвоз сўнги кўш каптарим беҳол йиқилди,
Кўш қанотим шовурлари қалбимни тилди.
Киндик қоним тўкилган юрт — боғим-чаманим,
Наҳот уни қувонч билан йўқлолма энди.
Кўш қабрга бағрим босиб бўзлаёлмасман,
Қалбимдаги армонлардан сўзлаёлмасман.
Тўққиз ойди дардларимни энголдим дея
Волидамга севинчим кўз-кўзлаёлмасман.
Сабр-тоқат тоғларининг чўққиси отам,
Етмиш йиллик рўзгорингиз бамисли эртак.
Эзгу амал-яхшиликнинг тимсоли онам,
Сиздан қолган хотиротлар гўзалдир бешак.
Хотиротлар хазон бўлмас, ёқилмагайдир,
Хотиротлар эзгуликдир, қалблар офтоби.
Умид шулки, то қиёмат ёпилмагайдир
Сиздан қолган эзгуликнинг амал китоби.

Бу дунёга келдим не учун,
Ўтадимми Аллоҳ фарзини?
Менга фидо бўлгани учун
Узолдимми онам қарзини?
Бу дунёга келдим не учун,
Биллодимми қалбим арзини?
Тийрак ақл бергани учун
Узолдимми отам қарзини?
Эркаландим меҳри тафтида
Гарчи кўрдим ҳаёт ларзини.
Ўтли меҳр бергани учун
Узолдимми опам қарзини?
Илм, ақл бўлди қанотим,
Бахтим бўлди сабру саботим.
Менга фараҳ бўлди тоатим —
Узолдимми ҳаёт қарзини?!



Эр-хотин кўшилиши

Кўшилиш икки хил бўлади: ҳалол кўшилиш; ҳаром кўшилиш.

Ҳалол кўшилиш эркакнинг ўз хотини билан кўшилишидир. Эрнинг ўз хотинидан ором олиши ҳалол бўлишидан ташқари, бунда эрга ҳам, аёлга ҳам савоб ва ажр бордир.

Мўминун сурасининг аввалги оятларида шундай маъно ифодаланган: «Мўминга ўз аёлига яқинлик қилгани учун бирор гуноҳ ва таъна йўқ. Аммо ҳалолни кўйиб ҳаромга борувчилар учун жазо ва азоб муқаррардир. Зеро, бу кимсалар Аллоҳ таоло белгилаб қўйган ҳаддан ошгувчилардир».

Исро ва меърож ҳодисасига оид ҳадисда шундай келган: «Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, мазкур кечада Жаброил, алайҳиссалом, ҳамроҳликларида бир жуфтнинг ёнидан ўтдилар. Уларнинг олдида қозонларда пиширилган гўшт билан айниган хом гўшт турар, улар пиширилган тотли гўштни кўйиб, айниган хом гўштни ейишар эди. Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Эй Жаброил, бу нимаси?» деб сўрадилар. Жаброил шундай жавоб қилдилар: «Бу сизнинг умматингиздан бир эр. Ўзининг ҳалол-пок аёли бўлатуриб, бузуқ аёлга борган ва тонгни у билан қаршилаган. Бу аёл ўзининг пок-ҳалол эри олдидан чиқиб, бузуқ кимсага борган ва тонгни у билан оттиргандир».

Имом Муслим Абу Зарр Фифорийдан, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қиладилар: «Ҳар бир тасбеҳ, ҳар бир так-

Давоми. Бошланиши ўтган сонларда.

Муҳаммад АҲМАД КАНЪОН

ЭР-ХОТИНЛИК АСОСЛАРИ

БЕШИНЧИ БОБ

бир, ҳар бир ҳамд ва ҳар бир таҳлил садақадир. Яхшиликка буюриш садақадир. Ёмонликдан қайтариш садақадир. Аёлингиз билан кўшилишингиз садақадир». Саҳобалар сўрадилар: «Ё Расулulloҳ! Шаҳватимизни қондирсак ҳам, бизга савоб бўладими?» Расулulloҳ дедилар: «Шаҳватни ҳаром йўл билан қондириш гуноҳлигини биласиз. Демак, шаҳватни ҳалол йўл билан қондирганга савоб бордир».

Ҳаром кўшилиш зинодир

Зино энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланади. Аллоҳ таоло зино қилувчиларни кескин қоралаган ва бу жирканч иш учун қаттиқ уқубат тайин этган. Бу ҳақда Куръони каримда бир қанча оятлар бор. Ҳадиси шарифларда ҳам зинокорларнинг ифлос ишлари нималарга олиб келиши баён этилган.

Имом Бухорий ва Имом Муслим Абу Ҳурайрадан, розийаллоҳу анҳу, шундай ривоят қилишади: Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, марҳамат қилдилар: «Мўмин зино қилмайди, мўмин ароқ ичмайди»; «Мўмин зино қилса, ондан имон чиқади ва тепасида соябон каби туриб қолади. Тавба қилсагина, унга қайтади».

Абдуллоҳ ибн Масъуд, розийаллоҳу анҳу, ривоят қиладилар: «Пайғамбаримиз, соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Қай бир халқда зино ё рибо ёйилса, ўзларини Аллоҳ таолонинг азобига дучор қилишади».

Исро сурасининг 32-оят мазмуни шундай: «**Зинога яқинлашманг! Зеро, у бузуқлик ва ёмон йўлдир!**»



Безаниш ва хушбўй бўлиш

Безак ва хуш бўй эркак ва аёлни бирдай гўзал ва чиройли қиладиган неъматлардандир. Безак кўз учун лаззатдир. Зеро, кўз безакли нарсани кўрса, қувонади. Хуш бўй димоғга лаззат бахш этади. Инсон ширин ҳидлардан завқланади.

Шунинг учун шариатимиз мусулмонларни жума, ийд ва бошқа оммавий йиғинларга хушбўй ва ораста бўлиб боришга ундайди. Зеро, мусулмон биродарлари назарида гўзал ва хушбўй бўлиши керак. Ундан ҳеч ким нафратланадиган бўлмасин.

Бу ҳол эр-хотин ўртасида янада муҳим ва аҳамиятлидир. Хотин эри олдида доимо безаниб юриши керак. Унинг олдида ҳамиша хушбўй таратиб юрсин. Бу ишларга, хусусан, кўшилишдан олдин катта эътибор бермоғи лозим. Безак уни эрининг кўзи ўнгида янада чиройли қилади, хуш бўй ўзига тортади ва эрини ром қилади.

Безак эри олдида чиройли либосларни кийиш билан бўлади. Шунингдек, хотин аёлларга хос тилла ва бошқа тақинчоқларини тақиши ҳамда сурма, упа каби воситалардан ҳам фойдаланиб безаниши мумкин. Сочларини чиройли турмаклаб, қўл ва болдирларидаги ортиқча жунларини кетказиб ҳам безанса бўлади. Айниқса, танаси ва оғзининг тозалигига эътибор бериши керак. Қўлтиқларидаги бадбўй ҳидларни кетказиши лозим.

Аёлнинг ўз бадани бичимиға диққат қилиши, мумкин қадар семириш ва ёғ босишдан сақланиши ҳам зийнатдир. Зеро, бадан бичими ҳам гўзалликдир.

Аммо таъкидлаш лозимки, аёл фақат ва фақат ўз эри учун безанади ва хушбўй бўлади. Эридан ўзгага безанган ва хушбўй бўлган аёл гуноҳкор аёлдир. Чунки безак ва хушбўйлик лаззат беради. Улар билан эр хотинидан лаззат олади. Демак, аёл эридан бошқа кимсалар ундан лаззат олишига йўл қўймаслиги керак.

Ўз навбатида, эр ҳам, хотини каби, ўзига лозим ишларни қилмоғи керак. Бақара сурасининг 228-ояти мазмуни шунини тақозо этади. У шундай: «**Аёлларнинг эрлари олдидаги масъулиятларига ўхшаган, эрларнинг ҳам аёллари олдида инкор қилиб бўлмас масъулиятлари бор**».

Ибн Жарир Табарий ривоят қиладилар: «Абдуллоҳ ибн Аббос розийаллоҳу анҳу шундай дедилар: «Мен хотинимнинг менга безанишини қандай ёқтирсам, ўзимнинг ҳам хотиним учун безанишимни ёқтираман». Бу эътироф мазкур оят маъносига амал қилиш намунаси.

Эр сочини тўғрилаши, мўйлабларини қисқартиши, бадани ва оғзининг тозаллигига эътибор қилиши, хотини учун ўзини хушбўй қилиши, муносиб тарзда безаниши керак. Хотинининг кўзи ундан қувонсин.

Шаҳват сустиги

Шаҳват қуввати ҳар кимда турлича бўлади. Бу нарса уларнинг мизожларига кўрадир. Кимнингдир шаҳвати кучли бўлиб, кимникидир суст, хотинларга қизиқиши йўқ бўлади. Бу ҳол гоҳо касалликдан бўлса, гоҳо соғинсонда ҳам рўй беради. Яхши мизож мўътадил мизождир. Мўътадил мизожли эр кучли ҳирс этмай ҳафтада хотини билан бир ё икки бор қўшилса, кифоя қилади.

Шаҳватнинг кучли ё кучсиз бўлиш ҳолати аёлларга ҳам хосдир. Аммо, умуман олганда, аёлларнинг шаҳвати эркакларнинг шаҳватига қараганда камроқдир. Уларнинг шаҳвати бир меъёрда кучли ё заиф бўлиб турмайди. Балки ҳайз, ҳомила, эмизиш, ишдан чарчаш натижаларида таъсирланадиган нафсий роҳатига кўра кўпайиб-пасайиб туради.

Бу борада тўрт нарсага диққатни жалб қиламиз:

1. Биз юқорида қайд қилган ҳоллар, имкондаги шаҳватни кучли қўзғовчи кутилмаган таъсирларга қарамай, табиий мизож ҳолидаги инсонга нисбатан айтилгандир. Биз шаҳватни қўзғовчи манзарани кўриб шаҳвати қўзғалган ҳар қандай инсонни шаҳвати кучли дея олмаймиз. Кўпинча унинг аслий мизожи ундай бўлмайди. Шаҳвоний ҳолга кўзи тушганида шаҳватнинг қўзғалиши маълум нарса. Номашруъ ва дуруст бўлмаган ҳолда шаҳват қўзғалмаслиги учун Аллоҳ таоло мўмин эр ва аёлларни ман қилинган нарсаларга қарамасликка буюрган. Кўзни тийиш нафсга хотиржамлик, шаҳватга тинчлик ва оддий ҳолат беради. Нафс жиловини бўш қўйиш ва эҳтиётсизлик шаҳватни қўзғайди, бузуклик ва ифлосликларга етаклайди.

2. Биз қайд қилган ҳоллар Пайғамбарларга, алайҳимуссалом, дахлдор эмас. Аллоҳ таоло у зотларга пайғамбар бўлганларидан сўнг олдин уларда бўлмаган ва пайғамбарлардан бошқада бўлмайдиган куч-қувват ато қилади. Бир кунда бир неча бор қўшила олиш қуввати ана шундай қувватлардан биридир. Довуд алайҳиссалом ва пайғамбаримиз Муҳаммад, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, шундай қувватга эга эдилар. Бундай ҳолатлари, зиндиқ худосизлар ўйлаганидек, шаҳватпарастликдан ё ҳайвоний шаҳватдан бўлмай, инсонларни ҳидоятга даъват қилишга боғлиқ ҳикмат учун Аллоҳ таоло уларга ато қилган уларнинг хос хусусиятлари эди.

3. Баъзи ҳолларда эркакнинг шаҳват сустигини ҳис қилиши касал бўлганидан ва ё касаллик сабабидан дегани эмас. Хусусан, бу ҳол киши ўзини соғ-саломат деб билганида, касалликдан бўлмайди.

Бинобарин, у сиқилмаслиги ва ўзида бўлмаган ожизликни ўйламаслиги керак. Гоҳо эркак аёли билан қўшилаётганида ҳаракати йўқолади, ўзи сусаяди, шаҳвати камаяди ва зақари бўшашади. Ваҳоланки, бунақа одати

бўлмасди. Сўнг у ўзини касал, жинсий заиф, деб ўйлаб қолади. Аслида, бундай эмас. У ҳолнинг сабаби аёлга боғлиқ Унинг бу нотавонлиги аёлининг тортинишидан ё ўзи аёлини ёқтирмаслигидан ё аёлидан нохуш ҳид туюшидан ё аёли уни ёқтирмай безовта қилганидан бўлади.

4. Хотин шаҳватининг бир меъёрда турмаслигини билмайдиган эрни баъзида унга хотинининг тўшакда совуқ ва суст ва ё очик сохталик билан муносабат қилаётгани довдиратиб қўяди. Бу ҳолдан ҳайратланади, кўнгли ғашланади ва, назарида, хотинининг бу сустигини зоҳирда оқлайдиган ҳеч сабаб тополмайди. Унинг бундай хаёли, хотиним носоғлом мизожли экан, деб ўйлаб қолишига ё мендан бошқани севармикан, деган гумонларга боришига сабаб бўлади.

Агар яхши ўйга бориб, бу хаёлларнинг ҳаммасини тарқатиб юборса ҳам, хотинининг бу воқелигини билмаслиги келажакда унга бўлган майлларини парчалашга, ўз туйғуларини тийишга ва хотинидан узоқлашишни ва унинг хоҳишларини хотини қўзғамаслигини истаб қолади. У шундай қилсам, хотиним рози ва хурсанд бўлади, деб ўйлайди. Воқеликда эса, бундай ўй нотўғри бўлиб, хотинининг аламини ва ғурбатини оширади. Хусусан, эрнинг бу йўриги аёлининг шаҳват сусайиши даври ўтиб, унинг кучайиши даврида бўлса, хотинига янада аламли таъсир қилади.

Эр хотини кечирадиган даврларни билиши, хотинининг шаҳвати сусайганида сабр қилиши ва у пайтда аёлига оғирлик солмаслиги лозим. Шунингдек, ўз навбатида, хотин ҳам, агарчи шаҳвати сусайган давр бўлсада, эрининг рағбатига мумкин қадар тўла муносабат кўрсатиши лозим.

Уста ОЛИМ
таржимаси.

(Давоми келгуси сонда)

Доктор Соффат САНЖОҚ

ЗАИФ ВА УЙДИРМА ҲАДИСЛАР

ва уларни саҳиҳ ҳадислардан фарқлаш масаласи

Уйдирма ҳадислар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари

Бугунги кунда яна бир афсусли ҳолатлардан бири уйдирма (мавзуъ) ҳадисларни саҳиҳ ҳадислар билан адаштириб юборилаётгани ва халққа саҳиҳ ҳадис каби тақдим қилинаётганидир.

Мавзуъ ҳадиснинг илмий таърифи бундай: Ҳазрати Пайғамбарга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, оид бўлмаган ва у зотнинг номларидан уйдирилган сўзларга «мавзуъ ҳадис» дейилади. Уйдирма ҳадисларнинг дастлаб юзага чиқиш тарихи ҳақида уламолар турлича фикр билдиришган бўлсаларда, аксарият олимлар Ҳазрати Усмон, розийаллоҳу анҳу, шаҳид этилганларидан сўнг пайдо бўла бошлаган, деган фикрни олға сурадилар. Илк ҳадис уйдирганлар орасида шиа, муржиа, қадарийа, жаҳния, мушаббиха ва хорижия каби сиёсий ҳамда эътиқодий фирқаларнинг таъсири катта бўлгани билдирилади.¹

Ҳадис тўқишга кейинги даврларда бошқа фирқа ва жамоалар ҳам кўшилган, натижада ҳижрий II–III асрларда уйдирма ҳадислар жуда кенг тарқалган. Ҳадис тўқишни қатъийан ман этувчи Ҳазрати Пайғамбаримизнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, сўзларига мазкур тоифалар ҳеч парво қилмаган. Ҳолбуки, Пайғамбаримизнинг, алайҳиссалом, бу борадаги муносабатлари ғоят очиқ ва қатъийдир:

«Мен ҳақимда қасддан ёлғон сўзлаган киши жаҳаннамдаги жойига тайёргарлик кўрсин!» (ал-Бухорий, «Илм», 38-боб; Адаб: 109-бет; Муслим, «Муқаддима», 2–3-ҳадис; «Зухд, 72-ҳадис.; Абу Довуд, «Илм», 4-боб; ат-Термизий, «Илм», 8-боб, 13; «Тафсири», 1-боб; Ибн Можжа, «Муқаддима», 4-боб; Аҳмад ибн Ҳанбал, «Муснад», II ж. 159, 171, 202, 214, 410, 413, 469-бетлар).

«Кимки бир сўз ёлғон эканини билатуриб менинг ҳадисим сифатида ривоят қилса, унинг ўзи ёлғончилардан биридир» (Ибн Можжа, «Муқаддима», 5-боб).

«Менинг номимдан уйдирилган ёлғон сўз бошқа бир киши номидан уйдирилган ёлғон каби эмасдир. Кимки менинг номимдан билиб туриб ёлғон

сўз уйдирса, жаҳаннамдаги жойига тайёргарлик кўрсин!» (ал-Бухорий, «Жаноиз», 34-боб; Муслим, «Муқаддима», 2-ҳадис).

Саҳоба ва тобеъинларнинг баъзилари бу ҳадислардаги огоҳлантиришлардан қўрққанлари учун ҳам, хато қилиб қўймайлик, камайтириб ёки кўшимча қилиб юбормайлик, деган андишада жуда кам ҳадис ривоят қилишган.²

Ибн ал-Жавзий: «Баъзида ҳадис иснодидаги ровийларнинг барчаси ишонарли бўлишига қарамасдан ҳадис уйдирма бўлиши мумкин, лекин буни аниқлаш жуда қийин, буни фақатгина шу соҳа мутахассислари била оладилар», дейди³. Бундай ҳадислар жуда оз бўлса ҳам, баъзида учраб туради.

Мавжуд уйдирма ҳадисларга назар ташласак, уларнинг бир қисми Исломга зид, мантқиқсиз, кулгили ифодалар, бир қисми эса, исломий тамойилларга мос, фойдали ва ҳикматли сўзлар эканига гувоҳ бўламиз. Лекин маъноси қандай бўлишидан қатъи назар, бундай уйдирма сўзларга ҳадис дея амал қилиш, Пайғамбаримизга, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, изофа қилиш жоиз эмас ва ҳаромдир.⁴


Мавзуъ ҳадисларга оид асарларда баъзи олимлар уларни нақл қилганларида: «Маъноси тўғри, аммо уйдирилган, Ҳазрати Пайғамбарга оид эмас», жумласини қўшиб қўядилар. Бундай ифодаларни «Мавзуъот» китобларида кўплаб учратишимиз мумкин.

Ҳадисга оид муаммолардан яна бири баъзи ҳадисларнинг уйдирилган ёки уйдирилмагани хусусида турлича ижтиҳодлар юзага чиққанлигидир. Масалан, Ибн ал-Жавзий мавзуъ деган кўплаб ҳадисларга Суютий эътироз билдиради, мавзуъ эканини қабул қилмайди. Ҳар икки қарор ҳам олимлар изланишлари натижасида берилган ижтиҳодий ҳукмдир. Албатта, ҳар икки олимнинг қарорларини ҳурмат қилиш керак. Бу масаладаги бизнинг шахсий қаноатимиз шуки, агар бир ҳадисни аҳл бир муҳаддис мавзуъ деб ҳукм қилган бўлса, бошқа бир олим ҳар қанча, уйдирма эмасдир, деса ҳам, у ҳадис ҳақида шубҳа туғилади. Натижада инсоннинг мазкур ҳадисга амал қилиши қийин бўлиб қолади.

Уйдирма ҳадисларга мисоллар

«Дунё охиратнинг экинзоридир» (Соғоний, «Ал-Мавзуъот», 111; Али ал-Қорий, «Ал-Маснуа», 71; «Асрорул-марфуа», 206; Саховий, «Фатҳулмуғийс», 260; Ажлуний, «Кашфул-хофо», I ж. 412; Шавқоний, «Ал-Қоваидул-мажмуа», 272).

1. Абу Заҳв, «Ал-Ҳадис вал-муҳаддисин», 480; Ажж.ж «Ас-Сунна қоблат-таввин», 189-191. 2. Баговий, «Шарҳус-сунна», I ж. 209-210. 3. Ибн ал-Жавзий, «Китабул-мавзуъот», I ж. 99-100. 4. Ибн ас-Саллоҳ, «Улумул-ҳадис», 58; Абдуфаттоҳ Абу Ғудда, «Мавзуъ ҳадислар», 53; Суютий, «Тадрибул-ровий», I ж. 274.



«Дунё бир қоя устида, қоя эса ҳўкиз устида жойлашгандир. Ҳўкиз шохини қимирлатган пайтда қоя силкинади ва ер қимирлайди, у зилзиладир» (Ибн Қаййим ал-Жавзийя, «Ал-Манорул-муниф», 78).

«Кибрланганга жавобан кибрланиш садақадир» (Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 175; Ажлуний, ў.а. I ж. 333; Дарвиш ал-Хут, «Аснал-матоб», 171).

«Олимларнинг сиёҳлари шаҳидларнинг қонидан афзалдир» (Али ал-Қорий, ў.а. 303; Шавқоний, ў.а. 278; Ажлуний, II ж. 200; яна қаранг: Саховий, ў.а. 442).

«Фосик (тўғрисида гапирилса) ғийбат бўлмайди» (Али ал-Қорий, ў.а. 367; Суютий, «Ал-Дура-рул-мунташира», 424; Ибн Қаййим ал-Жавзийя, ў.а. 134; Албоний, «Силсилатул-аҳодис аз-заифа вал-мавуъа», II ж. 53).

«Озгина садақа ҳам кўп балоларни даф қилади» (Саховий, ў.а. 311; Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 234; Ажлуний, ў.а. II ж. 23).

«Вақти ўтмасдан олдин намозни ўқишга, ўлмасдан олдин тавба қилишга шошилиш» (Соғоний, ў.а. 96; Албоний ў.а. I ж. 174).

«Олимнинг уйқуси ибодатдир» (Али ал-Қорий, ў.а. 359; Ажлуний, ў.а. II ж. 329).

«Туз сизларга кераклидир, чунки етмиш дард-га даводир»; бошқа қавлда: «Ё Али, туз керакдир, чунки у етмиш дардга даводир» (Ибн ал-Жавзий, ў.а. II ж. 289; Ибн Қаййим ал-Жавзийя, ў.а. 55; Шавқоний, ў.а. 161; Суютий, «Ал-Лаолиул-маснуа», II ж. 179; Дарвиш ал-Хут, ў.а. 284).

«Шубҳасиз, гул пайғамбарнинг теридан яратилган» (Саховий, ў.а. 159)

«Овқатни пуфлаш баракани кетказади» (Ибн Қаййим ал-Жавзийя, ў.а. 65).

«Бир соат фикрлаш олтмиш йиллик ибодатдан яхшидир» (Али ал-Қорий, «Ал-Маснуа», 53; «Асрорул-марфуа», 175; Ажлуний, ў.а. I ж. 310-311).

«Мен синик қалблар билан биргаман» (Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 137; Саховий, ў.а. 123; Шайбоний, «Тамйизут-тоййиб», 41; Ажлуний, ў.а. I ж. 327-328; Ибн ал-Жавзий, ў.а. II ж. 245).

«Аллоҳ илк яратган нарса ақлдир» (Соғоний, ў.а. 94; Али ал-Қорий, «Асрор ул-марфуа», 154; Саховий, ў.а. 163; Ажлуний, ў.а. I ж. 263).

«Мен ҳикмат уйиман, Али унинг эшигидир» (Ибн ал-Жавзий, ў.а. 349; ва яна: Ибн Арроқ, «Танзиху шаркат шариятул-марфуа», I ж. 377-378; Саховий, ў.а. 123-124; Ажлуний, ў.а. I ж. 203-204; Шавқоний, ў.а. 348).

«Кўп гапирган кўп янглишади» (Саховий, ў.а. 499; Дарвиш ал-Хут, ў.а. 459-460).

«Гўзал юзга боқиш ибодатдир» (Ибн Қаййим ал-Жавзийя, ў.а. 62; Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 355).

«Қийин аҳволга тушиб қолсангиз, қабристондагилардан ёрдам сўрангиз» (Абдурахмон Абдуллоҳ, «Мавзуъ ва заиф ҳадисларнинг ақидага таъсири», 42).

«Аллоҳдан кўрқмагандан кўрқ» (Али ал-Қорий, ў.а. 344; Саховий ў.а. 500; Шайбоний, ў.а. 191).

«Шахмат ўйнаган кимса малъундир» (Али ал-Қорий, ў.а. 343-344; Саховий, ў.а. 500; Дарвиш ал-Хут, ў.а. 462).

«Умматимнинг олимлари Бани Исроилнинг пайғамбарлари кабидир» (Али ал-Қорий, ў.а. 340; Ажлуний, ў.а. II ж. 64; Албоний, ў.а. I ж. 679).

«Инсонлар йўл бошловчиларнинг динидадир» (Дарвиш ал-Хут, ў.а. 508).

Шу жумладан, аёлларни камситувчи мазмундаги уйдирма ҳадислар ҳам халқ орасида кенг тарқалган:

«Аёллар уйнинг чироғидир, лекин уларга ўқиш ва ёзишни ўргатмангиз» (Ажлуний, ў.а. II ж. 316).

«Аёллар билан маслаҳатлашинглар. Сўнгра айтганларининг тескарисини қилинглар» (Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 225; Саховий, ў.а. 297; Шавқоний, ў.а. 129; Ажлуний, ў.а. II ж. 3).

«Сизлардан ҳеч ким маслаҳатлашмасдан бир иш қилмасин. Агар маслаҳатлашишга ҳеч бир кимса топмаса, бирорта хотин билан маслаҳатлашин, аммо унинг деганининг тескарисини қилсин. Чунки унинг (аёл кишининг) айтганининг зиддини қилишда барака бордир» (Али ал-Қорий, ў.а. 226; Шавқоний, ў.а. 130).

«Хотинга итоат пушаймонлик келтиради» (Ибн ал-Жавзий, ў.а. II ж. 272-273; Али ал-Қорий, ў.а. 226; Саховий, ў.а. 297).

«Хотинлар бўлмасайди, эркаклар жаннатга кирарди» (Албоний, ў.а. 140).

«Дунё – охират» мувозанатининг бузилишига сабаб бўладиган, дунёнинг ва ҳаракатнинг зиддига тўқилган, яъни, фақирликни ёқлаб уйдирилган ҳадисларга ҳам мисол келтириб ўтмоқчимиз. Чунки бу хил «ҳадис»лар ҳам замондошларимизга салбий таъсир кўрсатиб, одамларни дунёдан, тиркичилик ҳаракатидан ва бойликдан кўнглини совутмоқда. Бу борада ҳам халқимизнинг кўзини ва фикрини очишимиз даркор.

«Фақирлик менинг фахримдир, мен у билан фахрланаман» (Али ал-Қорий, ў.а. 254; «Ал-Маснуа», 97; Ажлуний, ў.а. II ж. 87; Дарвиш ал-Хут, ў.а. 303).

«Бу умматнинг энг хайрлилари фақирларидир. Энг тез жаннатга кирадиганлари заифларидир» (Албоний, ў.а. II ж. 40).

«Фақирлар билан бирга бир жамоат бўлинг, чунки қиёматда уларнинг давлати бўлади» (Ибн Қаййим ал-Жавзиййа, ў.а. 140).

«Дунё бир лошдир, уни қўлга киритишни истаганлар эса, итлардир» (Соғоний, ў.а. 96; Ажлуний, ў.а. I ж. 409).

«Дунё охират одамларига ҳаром, охират дунё одамларига ҳаром, дунё билан охират эса, Аллоҳ одамларига ҳаромдир» (Албоний, ў.а. I ж. 105).

«Саломат узлаттадир» (Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 222).

«Ҳар бир уммат учун калит бор. Жаннатнинг калитлари мискин ва фақирлардир. Улар қиёмат кунида Аллоҳ билан бирга бўладилар» (Ибн ал-Жавзий, ў.а. III ж. 141).

«Дунёни тарк этиш сабр иши бўлиб, Аллоҳ йўлида қилич солдиришдан ҳам оғирдир. Дунёни тарк этган кимсага Аллоҳ мутлақо шаҳид савоби-ча савоб беради» (Албоний, ў.а. I ж. 408; Фақирлик мақталган, лекин сихҳат ҳолати танқид қилинган бошқа ҳадислар учун қаранг: Йилдирим Аҳмад, «Тасаввуф тамал таълимотининг ҳадислардаги манбалари», 399-403).

«Ҳар нарсанинг калити бордир. Жаннатнинг калити сабрли фақир ва мискинларни севишдир. Улар қиёмат кунида Аллоҳ билан бирга бўладилар» (Ибн Арроқ, ў.а. II ж. 286).

«Аллоҳ дунёга дедик: «Эй дунё! Менинг волийларимга бор, аммо уларга ҳийла ва фитна солма. Менга хизмат (ибодат) этганга икром қил, сенга хизмат (итоат) этганга азият бер» (Ибн ал-Жавзий, ў.а. III ж. 136).

«Аллоҳ бойга бой бўлгани учун мулозамат қилган фақирни лаънатлайди ва ундан одамнинг динидан учдан бири кетади» (Ибн Арроқ, ў.а. II ж. 287; ёки яна қаранг: Саховий, ў.а. 477; Ажлуний, ў.а. II ж. 242; Мазкур ҳадисни заиф деганлар ҳам, уйдирма деганлар ҳам бор. Бу ҳақда қаранг: Соғоний, 96; Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 188; Суютий, ў.а. 191; Ажлуний, ў.а. II ж. 344-345).

Муборак ой, кун ва кечаларга алоқадор ҳам анча-мунча заиф ва уйдирма ҳадисларга дуч келамиз. Турли жойларда бу хил ҳадислар тилдан-тилга кўчиб юришини, айниқса, ўша муборак кечаларда бўладиган суҳбатларда улар саҳиҳ ҳадислар каби одамларга етказилаётганини кўряпмиз. «Хусусан, кун ва кечалардаги намозларга доир ҳадислар, яшанба куни ва кечаси ўқилган намозлар, душанба куни ва кечаси ўқилган намоз-

лар билан хафтанинг бошқа кунларига алоқадор намозларга доир ҳадисларнинг ҳаммаси ёлғондир. Шаъбоннинг ўртасидаги кечада ўқилган намозга оид ҳадислар ҳам уйдирмадир»⁵

«Ким шаъбоннинг ўн бешинчи кечаси минг марта Ихлос сурасини юз ракат намозда ўқиса, у кимса ўлиб дунёдан кўчмасдан аввал Аллоҳ унга тушида юз нафар фариштани туширади, у фаришталардан ўттизи уни жаннат билан, ўттизи жаҳаннамдан нажот топгани билан суюнчилашади. Ўттизи эса, уни хато иш қилиб қўйишдан қўрияди, ўн нафари унга душманлик қилувчиларга тузоқ қўяди» (Суютий, «Жомийус-сағир» II ж. 50).

«Ким ражаб ойининг илк кечаси шомдан кейин йигирма ракат намоз ўқиса... кўприқдан савол-жавобсиз ўтади» (Ибн Қаййим ал-Жавзиййа, ў.а. 95-96; Али ал-Қорий, «Асрорул-марфуа», 440).

«Ким ашуро куни рўза тутса, Аллоҳ унга 60 (олтмиш) йил ибодат қилгандек савоб ёзади» (Али ал-Қорий, ў.а. 402).

Ейиш-ичишга алоқадор ҳам халқ тилида баъзи «ҳадис»лар юради. Қовоқ, патлижон, анор, узум, бақлажон, тарвуз, мош, гуруч ва ҳоказо емишларнинг фазилатларига оид сўзларни Ҳазрати Пайғамбарга боғлашга ҳаракат қилинади. Мисол учун, «Патлижон ҳар дардга даводир» деган сўз уйдирма ҳадислар сирасига киради (Ибн Қаййим ал-Жавзиййа, ў.а. 51; ва ҳ).

Уйдирма ҳадисларни таниш йўллари

Мушкулот шуки, бугун замондошимиз ҳар эшитган ҳадисни соғлом деб қабул қиляпти, уларни манбалардан тадқиқ этиш ва сихҳатини аниқлаш имконига эга эмас. Чунки мавзуёт китобларини кўрмаган, қўлига етиб бормаган. Шунинг учун манба кўрсатилмаган ва шубҳали кўрилган ҳадислар мутлақо мавзуёт китобларидан тадқиқ этилиши керак. Мурожаат қилса бўладиган машхур манбалар ушбулардир:

1. Мақдисий (в. 507/1113): «Тазкиратул-мавзуёт».
2. Ибн ал-Жавзий (в. 597/1225): «Китабул-мавзуёт».
3. Умар ал-Мавсимий (в. 622/ 1225); «Ал-Мугний анил-ҳифз вал-китаби».
4. Соғоний (в. 650/1252): «Ал-Мавзуёт».
5. Суютий (в. 911/ 1505): «Ал-Лаолиул-маснуа фил аҳодисил-мавзуъа».
6. Ибн Арроқ (в. 963/ 1556): «Танзиҳуш-шариа».



5. Абдулфаттоҳ Абу Фудда, «Мавзуъ ҳадислар», 143. Қўшимча қаранг: Ибн Қаййим ал-Жавзиййа, ў.а. 8, 95 в. Ушбу масалага оид кенг маълумот учун муборак кун ва кечаларда қилинадиган ибодатларга оид уйдирма ҳадислар тўпланган Лакнавийнинг (в. 1304/1886) «Ал-Осорул-марфуъа» (Байрут, 1984) номли асарига қаралсин.

7. Фаттоний (в. 986/1578): «Тазкиратул-мавзуъот».
8. Али ал-Қорий (в. 1014/1605): «Ал-маснуа фил-маърифатил-ҳадисил-мавзуъа».

9. Шавқоний (в. 1250/ 1832): «Ал-Қоваидул-мажмуъа фил-аҳодисил-мавзуъа».

Муҳаддис олимлар аввалги замонларда ҳадис тўқиганлар билан қаттиқ-қаттиқ мужодалалар қилишган ва ундай кишиларни бир-бир аниқлаб, уларни рад ва тор-мор этиб, уларнинг қандай одам эканликларини табақот (биографик) китобларда келгуси авлодларга танитиб кетишган. Уларнинг кимлигини билиш учун шунақа асарларга мурожаат қилинса kif-фоядир. Уйдирма ҳадисларни танишнинг яна бир усули муҳаддислар ўртага қўйган мезонларни билишдир. Ҳадис манбаларида санади бўлмаган ҳадис қабул этилмаганидек, у санадда ҳадис тўқувчи бир ровийнинг бўлиши ҳам у ҳадисни рад этиш учун етарли бир сабабдир. Бошқа томондан муҳаддислар соғлом бир ҳадиснинг Қуръонга, саҳиҳ ҳадисларга, ижмоъга, диний қоидаларга, ақлга, қатъий тарихий воқеаларга зид бўлмаслик шартларини келтиришгандир. Бошқача айтганда, ҳадиснинг лафзларида асло бузуқлик бўлмаслиги керак.

Хулоса

Олимми, мутафаккирми, муаллимми, воиз, имом, муфтийми ё ёзувчими, ким бўлса ҳам, ўзлари қўллаётган ҳадислар масаласида ниҳоятда талабчанлик қилишлари, хоссатан уйдирма ҳадисларни қўллашдан кескин қочишлари керак. Ҳадис айтишни табиий ва оддий бир иш деб ўйламасдан, ҳадиснинг динда иккинчи манба эканини ва динни шакллантирганини унутмаслик даркор. Заиф ва уйдирма ҳадисларни ажратмасдан саҳиҳ ҳадис каби айтиб юриш диний нуқтаи назардан ҳаромлигини ва ман этилганини унутмайлик. Ҳар бир ҳадиснинг ҳукми ва амал йўналиши фарқли бўлгани учун уларнинг ҳар бири ўзининг ҳақли ўрнига қўйилиши, саҳиҳга саҳиҳ, заифга заиф ва уйдирмага уйдирма дейилиши, бир-бирларига мутлақо аралаштириб юборилмаслиги борасида етарли талабчанлик кўрсатилиши илмий дурустлиқнинг бир таянчидир. Ҳадисларни сиҳхат нуқтаи назаридан манбалардан ўрганиш ёки ишнинг билимдонларидан сўраш тушунчаси, шуури ва малакасини омага ўргатиш ва ёйиш лозимдир.

Фатҳиддин МАНСУР

таржимаси

Аввал таъкидланганидек, ушбу мақоланинг мавзуниндан ҳам жуда долзарб. Муаллиф қадим манбалар, турли даврларда яшаган олимларнинг ҳар хил далилларига асосланади. Табиийки, мақола ўқувчиларда турлича таассурот қолдириши, ранг-баранг фикр-мулоҳазалар уйғотиши мумкин. Муштарийлардан мақола ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборишларини сўраймиз.

Тахририят

ЭҲТИРОСЛАР ШАМОЛИ

Деразадан атрофни кузатар эдим. Дўстим ҳақидаги фикрлар мени ҳали-ҳануз ўйлантирар эди. Телефон жиринглади. Эриниб, ёқинқирамай гўшакни кўтардим. Таниш овоз:

— Янги дўстлар муборак...

Қочиримдан хиёл афтим буришди. Бу ҳол яна давом этишини хоҳламадим.

— Муборак, — дедим-да, гапини шартта бўлдим.

— Бошга кулфат тушганида эски дўстни унутиб, янги дўст топган инсонга қандай ҳукм ижро бўларкин?!

— Яратилган қонунларда бунинг ҳукми қандай, билмадим, аммо қалб қонуниятиде бунга ҳар қалай ўлим жазоси йўқ.

— Унда қалбингиз могорлабди...

— Могорни энг яқинларнинг — ҳақиқий дўстларнинг саъи ҳаракати кетказди.

— Дарҳақиқат, шундай...

— Инсон ҳеч қачон ўзини билмайди. Мен ҳам, сиз ҳам... Ўзгаларнинг нўхатдай айби тоғ бўлиб кўринади, ўзимизнинг тоғдек айбимиз эса... Билмадим, нега инсон шундай?!

— Билингни, бу дунёда ҳеч ким бир-бирига дўст бўлолмайди. Агар дўстингдан ёки дўст бўлмоқчи бўлган яхши одамдан айб қидирсак, унда умримиз охиригача ёлғиз яшашга маҳкум бўламиз. Тангридан яқинроқ, ҳа, ҳа, яқинроқ суянчиқ йўқ бу бевафо дунёда.

— Шу ҳақиқатларни билар экансиз, мендан нега ўкинасиз? Жимгина ютсангиз, бўлмасмиди?

— «Эҳтирослар кемаларнинг елканларини тўлдирадиган шамол. Баъзан улар кемаларни чўктирадилар. Лекин елканларсиз кема сузолмайди. Сафро инсонни ғаш ва касал қилади, аммо сафросиз у яшай олмайди. Бу дунёда ҳамма нарса хавфли, ҳамма нарса зарур...», дейди бир қалан-дар.

Мен таслим бўлдим, узоқ сукутда қолдим. Дилимда бояги изтироблардан заррача ҳам йўқ эди. Дўстона «можаро»дан сўнг самимий жилмайганча, у билан хайрлашдим.



Роҳат қачон келади

Имом Шофеъий раҳматуллоҳу алайҳ айтиди: «Дунё роҳатини талаб қилиш мурувват аҳлига дуруст бўлмайди. Улар барчаси ҳамма вақт машаққатда яшашган».

Зоҳиддан:

— Аллоҳга суюкли банда бўлиш йўли қандай эришилади, деб сўрашди.

— Роҳатдан кечиб (сабр қилиб), бор кучини итоатга бериш билан, — деб жавоб берди.

Имом Аҳмад розийаллоҳу анҳудан сўрашди:

— Банда қачон роҳат мазасини тотати?

— Жаннатга биринчи қадамни қўйганида.

Ҳазрати Ҳузайфадан сўрадилар:

— Тирикларнинг ўлиги кимлар?

— Қўли, тили билан мункарни инкор қилмаган кишилар тирикларнинг ўликларидир.

Яхши амалларга шошилиш

Инсонлар ниманидир сабаб ё баҳона қилиб, яхши амаллардан тўхталдилар. Жумладан, қариялар. Гоҳо уларнинг: «Кексайиб, кучим кетди. Савобларим етиб қолар», деган гапларини эшитиб қоламиз. Бу инсонлар билмайдик, карвон юриб кетгувчи. Қаридим деб ўтириб қолганларни кутиб турмайди.

Расулulloҳ, соллаллаҳу алайҳи ва саллам, илк ваҳий келганида Хадича онамиз амакилари Варақанинг олдига бориб, воқеани айтиб бердилар. Шунда кекса, кўзлари кўр бўлса ҳам Варақа:

— Ўша кунларга етсам, сизга ёрдам берардим, — деди.

Варақа, бир куч қувватим бўлсаю Муҳаммадга фойдам тегса, деб умид қилди. Бу эса ёшларга ҳам, қарияларга ибрат бўлиши керак.



Дунё талаби

Расулulloҳ, соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бир ҳадисларида: «Аллоҳга тақво қилинлар, талабда (дунёда) қисқароқ бўлинлар. Ризқнинг секин келиши сизларни Аллоҳга осийлик билан ризқ талаб қилмоққа мажбур этмасин. Аллоҳнинг ҳузурдаги нарсага фақат итоат билан эришилади», деб марҳамат қилганлар.

Инсон тақво билан Аллоҳга яқин бўлса, харисликни ташлаш билан қалб роҳатига эришади. Кимки Аллоҳга тақво қилса, охираат лаззати ва неъматига эришибди. Кимки дунё талабида қисқароқ бўлса, дунё қийинчиликлари ва машаққатларидан роҳатланибди.

Фотима ҲАМЗА қизи
тайёрлади

Мастнинг масаласи

Бир сархуш Илёс ибн Муовия ҳазратларининг олдига келиб:

— Эй Илёс, бир оз узум есам, менга бирор зарарли

таъсири бўладими? — деб сўрабди.

— Йўқ.

— Узумдан сўнг бир оз кулча ўти есам-чи?

— Ҳеч қандай зарари йўқ, ейишинг мумкин!..

— Буларнинг устидан бир миқдор сув ҳам ичсам, бўладими?

— Албатта!

Сархуш бу жавоблардан хурсанд бўлди:

— Бу санаб ўтганларим бирлашса, мукамал шароб бўлади. Уларни ошқозонимнинг ичида бирлаштириш ҳаром бўлмайди-ю, ошқозонимга тушмасдан бирлаштириш нега ҳаром бўлар экан?

Илёс ибн Муовия кулимсирари, ердан бир ҳовуч тупроқ олиб сархушга савол берди:

— Сенга бу тупроқни отсам, бирор еринга зарар етадимми?

— Йўқ.

— Кетидан бир ҳовуч сув сепсам, жонинг оғрийдими?

— Йўқ.

— Сени мана шу ҳолда иссиқда кутдирсам, изтироб чекасанми?

— Йўқ.

Илёс ибн Муовия давом этди:

— Тупроқни, сувни, иссиқни бирлаштириб бошингга отсам... қандай бўларкин?

Сархуш бу сўзларни эшитгани заҳоти икки қўли билан бошини ушлаб бақира бошлади:

— Вой бошим, вой бошим!

— Бошингга гишт отмасам, нега бақирасан?

— Гишт отмадинг, лекин айтганларинг бошимга гишдан-да оғир зарба берди!

Зебинисо РАҲМАТОВА
тайёрлади



тардим. Бувим ўргатган кичик-кичик сураларни бирин-кетин ичимда такрорлаб турдим. Фолбин атрофга бир қур назар ташлаб: «Менинг эти-баданам оловдай қизияпти, нима бўлди менга?» деб мингиллади. Аммо ўзини зўрлаб, қандайдир тугунчаларни ўртага ёйиб, ўз ишини давом эттираверди. Турган йигит-қизларга ичим ачиди. Дугонамга, кетайлик, десам, қайсарлик қилди. Нима бўлса бўлди. Менга зарари тегмасин, деб ичимда Аллоҳнинг оятларини такрорлаб турдим.

Шу пайт кутилмаган ҳол юз берди. Кўзлари қинидан чиққан, вужуди олов бўлиб ёнаётган фолбин аёл менга қараб важоҳат ва нафрат би-

ФОЛБИННИНГ БОШЛИҒИ ШАЙТОН

Ғайбни ёлғиз Аллоҳ билади. Ғайбнинг сирасори, келажак ҳодисотлар фақат Унгагина аён. Инсон зоти орзу-умидларга берилиши ёки келгуси ҳаёти учун ўзига турли-турли режалар тузиши мумкин, холос.

Аммо турмушда ақидамизга зид ишлар ҳам тез-тез учраб туради. Баъзи кимсалар эртанги кундан фол очиб, «башорат» бериш билан шуғулланади. Имони заиф кишилар ўша фолбинлар ва башоратгўйларнинг гапларига ишонади ҳам. Баъзан, шайтону жинлар оғушига тушиб, тирикчилик кўйида гуноҳга ботаётган фолбинлар «башорат»и тўғри чиқиб ҳам қолар, эҳтимол. Содда одамларни ишонтириш учун жинлар фолбинларга гоҳи рост хабар етказиши тўғрисида Пайғамбаримиз, алайҳиссалом, бизларни огоҳлантирганлар. Аммо ҳозир мақсадим уларнинг «башорат»ларини тадқиқ этиш эмас. Балки уларнинг жин-ажиналари Аллоҳнинг каломи айтиладиган жойдан қочиши хусусида ўзим гувоҳ бўлган бир воқеани баён қилмоқчиман...

Ўн йиллар олдин мактабда ўқиб юрган кезларимда тақдирим билан қизиқиб қолган бир дугонам мени бир хонадонга бошлаб борди. Ниҳоятда кўримсиз, супурги тегмаган, шифтларини ис босган бир уй. Одамнинг эркин нафас олиши ҳам амри маҳолдек. Нарироқда уч-тўрт йигит-қиз уй соҳибасининг гапига муштоқ. Навбат кутиб турибди. Ўзаро суҳбатдан дугонам мени фолбин аёл уйига бошлаб келганини англадим. Дугонамдан хафа бўлдим. Чунки кунда беш маҳал ибодатни қанда қилмаган бувимдан фолбинлар, жодугарлар, сеҳргарлар хусусида ҳеч яхши сўз эшитмаган эдим. Аксинча, уларнинг диндан чиқишини бувим раҳматлик кўп такрорлар эдилар.

Биз кирган шу уй яхшиликдан мосуво эканини дил-дилдан ҳис қилдим. Аввал калима қай-

лан дабдурустдан: «Чиқ-чиқ, йўқол уйимдан!» дея ўшқирди.

Бундан дугонам ҳижолат тортди. Сабабини сўради. Индамай қўяқолдим. Шу воқеани уйга келиб, бувимга сўзлаб бердим. Хурсанд бўлдилар.

Билсам, бувимнинг гапларича, мен фолбиннинг шериклари бўлган жин-шайтонларни Аллоҳнинг сўзлари билан ҳайдаб, унга халақит берган эканман.

Орадан анча йил ўтгач, фолбинларга кофир жинлар ҳамроҳ бўлишини эшитдим.

Қиссадан ҳисса шуки, ғайбни Аллоҳдан ўзга билгувчи йўқдир. Инсонлар тақдиридан башорат бериб, тирикчилик қилаётган фолбинларнинг амаллари динимиз аҳкомларига асло тўғри келмайди. Зеро, Расулulloҳнинг, соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фолбинлик қилувчи ҳам, фолбинга борувчи ҳам мендан эмас», деган мазмунда ҳадислари бор. Имонни саломат сақлайман, деган мусулмон киши буни унутмаслиги керак.

Гавҳар БОБОЖОН қизи,

Зангиота тумани



Н. ВҮКЕР

САБЗАВОТ ШАРБАТЛАРИ ДАРДЛАРГА ДАВО

*Касалликлардан сақланиш ва даволашда
улардан фойдаланиш*



Хом сабзи шарбати

Ҳар ким аҳволига қараб кунига ярим литрдан уч ёки тўрт литрга қадар хом сабзи шарбати ичиши мумкин. Бу шарбат бутун вужудни мўтадил аҳволга келтиришга ёрдам беради. У инсон организми тезда ўзлаштирадиган А дармондорисининг бой манбаидир. Бу шарбатда, шунингдек, кўп миқдорда В, С, Д, Е, Ж, (Г) ва К дармондорилари мавжуд. Сабзи шарбати иштаҳани, овқат ҳазм бўлишини ва тишларнинг таркибий тузилишини яхшилайди.

Эмизикли она сутининг сифатини яхшилаш учун ҳар куни кўп сабзи шарбати ичиб туриши лозим, чунки кўкрак сути айрим ҳолатларда чақалоқни ҳаётини зарур унсурлар билан таъминлай олмай қолади. Ҳомилдорликнинг охири ойларида хом сабзи шарбати етарлича истеъмол қилинган тақдирда бола туғилишида себсис (қоннинг захарланиши) ҳолатининг эҳтимоли камаяди. Ҳар куни ярим литрдан ичиб туриладиган сабзи шарбати танага ўн икки кило миқдордаги калсий таблеткасидан кўра кўпроқ фойда беради.

Хом сабзи шарбати яраларга ва саратон касаллигига қарши табиий восита ҳисобланади. Кўз пардаларининг яллиғланишига алоқадор офталмия, конъюнктивит ва бошқа касалликларнинг олди олинади.

Аъло сифатли янги сабздан рисоладагидек қилиб олинган шарбат натрий ва калий сингари тирик ишқорли моддаларга жуда бой бўлади. Шунингдек, унда кўп миқдорда калсий, магний ва темир моддалари мавжуд.

Сабзи шарбати яраларга ва саратон касаллигига қарши курашда асримиз мўъжизаси саналади. Бирок шарбат тўғри тайёрланмоғи (сузгидан яхши чиқариб олинмоғи) лозим. Таркибида бойитилган қанд, крахмал бор таомлардан ва ҳар қандай ҳамир овқатдан тўлиқ воз кечилмоғи даркор.

Асаб тизимининг сурункасига (айниқса, ёшлик чоғида) давом этадиган ҳаяжонли, таранг ҳолатлари яра ва саратон касаллигининг сабабчиси эканлиги тиб илми аниқлади. Бу касалликларни даволаш асабийлик (газаб-нафрат, қўрқув, ҳасад ва ҳоказо) ҳолатларини вужудга келтирадиган сабабларни бартараф қилишдан бошланмоғи лозим, акс ҳолда, даволашнинг энг самарали усуллари ҳам ёрдам бермайди.

Баъзан кўп миқдорда сабзи шарбати ичилгач, тозаланиш жараёни (реаксия) юз беради ва ҳатто бир

қатор безовталиқ пайдо бўлади. Бу тана тозалана бошлаганини ва сабзи шарбати бунинг учун айна муддао бўлганини кўрсатувчи табиий жараёндир.

Аъло даражадаги тирик сув бўлган сабзи шарбати, аниқса, ярим оч ҳужайра ва тўқималар кўп муҳтожлик сезадиган овқатдир.

Бир нарсани унутмаслигимиз керакки, чарчаб ҳолдан тойиш, безовталиқ ҳаддан ошуви ва бошқа ёқимсиз аломатларга асосан йўғон ичак сабабчи бўлади. Инсон кўпинча ёки доим пиширилган ва ишланган овқат еб юрса, йўғон ичаги асло мўтадил ривожланмаслигини тажрибада аниқлашга муваффақ бўлдиқ. Шу боисдан ҳам йўғон ичаги кўнгилдагидек соғлом бўлган бирор кишини топиш қийин.

Шунинг учун ўзимизни ёмон ҳис қилган заҳотиёқ биринчи навбатда йўғон ичакни ювиш ёки ҳуқна ёрдамида тозалаш чораларини кўришимиз лозим. Янги сабзавотларнинг хом шарбатлари шундан кейин қайта тикланиш – регенератсия жараёнини самаралироқ ўринлатади. Бу ҳолда сабзи ва исмалоқ шарбатлари аралашмаси энг яхши овқат бўла олишини аниқладик.

Тана учун зарур шарбат миқдори шарбатнинг сифатига боғлиқ бўлишини унутманг. Одатда марказдан қочирма ҳаракатли (центрифуга) машина ёрдамида олинган шарбат эзиб, сиқиб олиндиган шарбатга қараганда кўпроқ ичилади.

Шарбатлар энг яхши озуқа эканини, уларни ҳаётимиз давомида истеъмол қилиб борсак, тансихатликда узоқ умр кўришимиз мумкинлигини доимо эсда тутайлик.

Сабзи шарбати бутун танани озиқлантириб, унинг вази ва мувозанати мўтадил бўлишига ёрдам беради. Бу шарбат кўриш (оптика) тизимини аниқса яхши озиқлантиради. Тажриба қилиб кўрилди: учувчилик билим юртига ўқишга киришга ариза берган кўпгина ёшлар кўриш қобилиятлари паст бўлганлиги сабабли кириш имтиҳонларига қўйилмадилар. Бир неча ҳафта мобайнида кўп миқдорда сабзи шарбати ичганларидан кейин улар қайта текширувдан ўтказилиб, учувчилик касбига ўқишга яроқли деб топилдилар.

Яралар ва саратон ўсмалари деб аталувчи ҳужайралар тўқимаси асосан сабзи шарбати ҳамда унга қўшимча равишда ўсимликлардан пухта танланиб, тайёрланган таом билан озиқланиш натижасида анча соғлом ҳолга қайтарилиши мумкин экан.

Нотўғри овқатланиш ва танани ҳам ичдан, ҳам сиртдан, ҳам руҳий-асабий жиҳатдан тоза сақлай билмаслик, шубҳасиз, бундай дардларга чалиниш омиллари ҳисобланади.

Ушбу айтилганларни ҳисобга олиб ва ўзимиз амалга оширган илмий изланишларга асосланган ҳолда айтамикки, саратон касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ўзимиз истеъмол қиладиган овқатлар таркибида тирик (органик) атомлар етишмаслигидан қидиришимиз керак.

Шуни доимо эсда тутмоғимиз лозимки, сабзавот шарбатлари тана учун бунёдқорли, хомашёси бўлиб хизмат қилса, мева шарбатлари асосан вужудимизни парчаланган маҳсулотлардан ва захарли моддалардан тозалайди. Сабзавот шарбатлари таркибида оқсил унсурлари нисбатан кўп бўлса, мева шарбатларида углевод унсурларининг ҳиссаси каттадир.

Шуни ҳам билиб қўйиш қизиқарлики, буткул ўсимликлардан иборат овқатлар истеъмол қилиб, уларга қўшимча равишда турли хил хом сабзавот ва мева шарбатлари билан озиқланадиган кишиларда саратон касалликлари ривожланмайди. Кўплаб кузатувлар саратон касаллигига чалинган беморлар бирданига хом ўсимликлардан тайёрланган овқатлар билан озиқланишга ҳамда сабзи шарбатини истеъмол қилишга ўтганларида катта наф қўрганларини кўрсатди. Ундан тайёрланган ҳар қандай овқатлар бойитилган крахмал, саноат ишловидан ўтган ширинликлар, ичимликлар эса бойитилган углеводлар ҳисобланади.

Калсий, биринчидан, парҳезимиздаги энг зарур унсурлардан ҳисобланади, бироқ у биологик жиҳатдан фаол — органик ҳолда бўлмоғи лозим. Юқорида айтиб ўтилган углеводли маҳсулотлар сингари таркибида калсий моддаси бўлган озиқ-овқатлар ҳам пиширилган тақдирда улардаги калсий ўз-ўзидан сувда эримайдиган ва муҳтож хужайраларга овқат бўлиб хизмат қила олмайдиган ўлик (ноорганик) атомларга айланиб қолади. Бунинг устига 56 даражада юқори ҳароратда нобуд этилган энзимлар бу атомларни ўлик моддалар ҳолига келтириб қўяди. Натижада бундай озиқ-овқатлар ичакларни ёпиб қўйиб, артрит, қанд касаллиги, юрак-қон томирларининг зарарланиши, кўк қон томирларининг варикоз кенгайиши, бавосил, ўт пуфагида ҳамда буйракда тош пайдо бўлиши сингари касалликларни келтириб чиқаради.

Иккинчидан, бу ўлик (ноорганик) калсий чўкиндиларини танадан чиқариб ташлаш чоралари кўрилмаса, улар тобора кўпайиб бораверади. Мазкур чўкиндилар биологик фаол натрий иштирокида ва қуйида баён этилган бошқа унсурлар ҳамда жараёнлар ёрдамида вужуддан чиқариб ташланиши мумкин.

Натрий тананинг физиологик жараёнларида ғоят муҳим рол ўйнайди. Қон ва лимфа, яъни танадаги суюқлик ҳаддан зиёд куюқлашиб кетмаслигининг олдини олиб, уларни суюлтириб туриш ана шундай энг муҳим жараёнлардандир. Бу ерда гап, албатта, фақат хом сабзавотлар ва айрим мевалардан олинадиган натрий ҳақида боряпти.

Қарафс (селдир) шарбати

Қуруқ иссиқ ҳавода эрталаб ва кундузги овқатдан олдин бир қадахдан ичилган селдир шарбати танамиз ҳарорати мўътадиллашиб, ўзимизни жуда яхши ҳис қилишимизга ва ҳаво таъсирини осон енгишимизга ёрдам беради.

Натрий организмдан карбонат ангидрид газини чиқариб юборувчи энг яхши унсурлардан биридир. Органик натрий етишмаслиги нафас йўллари ва ўпка касалликларни келтириб чиқаради, бу хасталиклар ўпкада тамаки тутунига ўхшаш бегона моддалар мавжудлигидан янада оғирлашади. Органик натрий миқдорининг камлиги вақтидан илгари қаришга олиб келадиган сабаблардан бўлиб, бу нарса аёлларда айниқса яққол сезилади. Беш йил мобайнида тамаки чеккан аёллар амалда деярли ўн беш ёшга қариб кетадилар.

Асаблар бўшашувига ҳам кўп жиҳатдан никотин сабаб бўлади. Чекиш бундай аҳволни енгиллаштириш ўрнига, мушкуллаштириб юборади. Тамаки чекишда бир қадар ором ҳис этилиши тўқималар доимий равишда муайян даражада қайта тикланиб туриши ҳисобига ақлий тарангликнинг вақтинча бартараф бўлиши натижасида юз беради. Тамаки тутуни таъм билиш безлари сезувчанлигини йўққа чиқаради.

Селдир шарбатининг бошқа шарбатлар билан аралашмаси ниҳоятда фойдали бўлиб, дармондори етишмаслиги оқибатида келиб чиққан касалликларни ва бошқа хасталикларни даволашда фавқуллодда зўр самара беради. Асаб толаларини ўраб турган пардаларнинг ўзгариб кетиши натижасида асаб бузилишлари юз берган ҳолларда сабзи ва селдир шарбатини ичиш бу пардаларни қайта тиклашга ёрдам беради.

Қарафс магний ва темирга жуда бойдирки, қон хужайраларига озуқа сифатида айни шундай уйғунлик ниҳоятда қимматлидир. Асаб ва қон томирлари тизимининг касалликлари асосан ҳаётий кучдан бутунлай маҳрум бўлган озиқ-овқатлар ва оромбахш дорилар орқали танага ноорганик маъданли унсурлар ҳамда тузларнинг киритилиши оқибатида юз беради.


Овқатда етарли даражада олтингургурт, темир ва калсий моддалари бўлмаса ёки бу унсурлар кўп-у, лекин ҳаётий кучини йўқотган, яъни, ноорганик ҳолга келган бўлса, нафас қисиши, бод, бавосил ва бошқа касалликларни туғдириши мумкин. Овқатдаги олтингургурт ва фосфорнинг нотўғри нисбати сержаҳлликка, асаб тизимининг бузилишига ва ҳатто ақлдан озишга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас. Шу пайтгача организмда сийдик кислотаси ҳаддан зиёд кўпайиб кетганлиги оқибати деб ҳисоблаб келинган кўпгина касалликлар амалда фосфат кислотасига ўта бой, лекин олтингургурт миқдори жуда кам бўлган овқатларни истеъмол қилиш сабабли ҳам келиб чиқиши мумкин экан.

Сабзи ва қарафс шарбати бундай касалликларнинг олдини олиш ва уларни даволашда жуда яхши самара беради.

Шариф ХОЛМУРОД

таржимаси

Бошқотирма



1. Ислом устунларидан бири.
2. Куръондан кейинги манба.
3. Эртапишар қовун.
4. Дин.
5. Намоз бўлаги.
6. Зардўзлик маҳсулоти.
7. Сўз кўрки.
8. Ишга ҳолис ёрдам.
9. Хориж пул бирлиги.
10. Маргиноний асари.
11. Таом.
12. Фасл.
13. Нохуш назар.
14. Томон.
15. Билим манбаи.
16. Узум қиёми.
17. Ҳаж либоси.
18. Аллоҳни кўриб тургандай ибодат қилиш.
19. Металл.
20. Шаҳар.
21. Нон.
22. Зотли от.
23. Давлат.
24. Фан.
25. Аҳолиси энг кўп давлат.
26. Ҳалол ёввойи ҳайвон.
27. Ҳунарманд.
28. Шайтонларнинг «масжиди».
29. Қадимий шаҳар.
30. «Хамса» қаҳрамони.
31. Тиниш белгиси.
32. Кўйбоқар.
33. Дин олими.
34. Миллий соз.
35. Белбоғ.
36. Ипак хомашёси.

Тузувчи: **Турсунали ҒАНИЕВ**,
Бувайда тумани

Офият бўлсин

Чак-чак

Масаллик: 5 та тухум, ун, чой содаси, пахта ёки ўсимлик ёғи.

Қиём тайёрлаш: Шакарга 0,5 стакан сув солиб, газда эритилади. Шакар эригач, асал солинади ва қиём ҳолига келгунча аралаштириб турилади (тайёр қиёмни совуқ сувга солинганда, эриб кетмай, қотиши керак).

Тайёрлаш: Тухумни кўпиртиригичда яхшилаб кўпиртирилади, чойқошиқда сода солинади ва ун солиб ўртача қаттиқликда хамир қорилади. Хамир бир оз тингач, юпқа қилиб ёйилади ва устига ёғ суркалади. 4 бўлакка бўлиб, устма-уст тахланади. Ёланган хамирдан 2-3 см кенликда тасмачалар кесиб олинади ва узра ёки учбурчак шаклда тўғралади. Оз-оздан қизиган ёғда қовуриб олинади.

Тоғорага пиширилган масалликни солиб, устидан аста-секин қиём қўйилади ва капкир билан аралаштирилади ва тезда идишга бостирилади, катгароқ лаганга ағдариб, четларини текислаймиз. Устини ёнғоқ мағизи билан безаймиз.

Асаларилар

*Битта ари ҳаёти бўйича нектар тўплашга 5-7 кун сарфлайди. Бу муддатда у 1 гр. асал тайёрлайди.

*Она ари ишчи ариларидан фарқли равишда, фақат ари сути билан ризқланади. Шу сабабли она арилар 4-5 йил, ишчи арилар эса 60-70 кун яшайдилар.

*1 кг асал тайёрлаш учун арилар ер шарини 6 марта айланиб чиқарлик масофага учадилар.

*Арилар оиласи бир она ари, мавсумига кўра 500 эркак ари ва 20 — 80 мингтача ишчи аридан иборат бўлади.

*Асаларилар оиласи 10 та «тортма»ни бол билан тўлдириш учун 100 милён гул нектарини оладилар ва 100 минг км. масофага учадилар.

*Ҳар оиланинг ўзига хос ҳиди бўлади. Арилар фақат ўзларининг уйларига кирадилар. Бошқа оилага борганлари ўлдирилади.